

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 151 (151), 2020 йил 12 август, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



СЕН – ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ХАЛҚАРО ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ҲАМДА ХАЛҚАРО ТАРАҚҚИЁТ УЮШМАСИ ИШТИРОКИДА “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ” ЛОЙИХАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, соҳага замонавий бозор механизмларини жорий этиш, ушбу йўналишда бошқаруving замонавий тизимларини ривожлантириш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг кластер модели жорий этилди, натижада охири йилларда пахта экин майдонларининг 125 минг гектари ёки 12 фоизда кооперациялар, 908 минг гектари ёки 88 фоизда кластерлар фаолият юритмоқда.

Қишлоқ хўжалигида қулай агробизнес муҳитини ва юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, уларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, соҳага жаҳон тажрибаси асосида қишлоқ хўжалигида билим, инновациялар ва агрохизматлар тизимини кенг жорий этиш, шунингдек, соҳада хизмат турларини такомиллаштириш, кооперация муносабатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва Жаҳон банки билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
а) 2020 йил 20 мартда Жаҳон банкининг Директорлар кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасига “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини (кейинги

ўринларда — Лойиҳа) молиялаштириш учун 30 йил муддатга:

10 йиллик имтиёзли давр билан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан 181 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз ажратилиши;

10 йиллик имтиёзли давр билан Халқаро тараққиёт уюшмасининг 100 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз ажратилиши;

5 йиллик имтиёзли давр билан Халқаро тараққиёт уюшмасининг 219 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз ажратилиши;

б) Лойиҳанинг умумий қиймати 659,3 миллион АҚШ долларига тенг эканлиги, улардан Ўзбекистон Республикасининг улуши — 159,3 миллион АҚШ долларини, шу жумладан:

солиқ ва боғжона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш, инвестиция даврида молиявий харажатларни тўлаш шаклидаги улуш — 124,3 миллион АҚШ долларини;

Лойиҳа иштирокчиларининг (бенефициарлар) улуши эса 35 миллион АҚШ доллари эквивалентини ташкил этиши;

в) Лойиҳани амалга ошириш даври 6 йилни (2020-2026 йиллар) ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Лойиҳа доирасида молиялаштиришнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилинсин:

қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашган самарали тизимини яратиш;

қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, статистика маълумотларни тўллаш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг ишончли ва шаффоф усулларини жорий этиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда “Даладан истеъмолгача” тамойили асосида сифат назоратини кучайтириш, агрологистика, йўл ва бошқа зарур инфраструктурани яратиш;

экспортни рағбатлантириш, халқаро бозорларда рақобатбардош, экспортбop юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш борасида қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини диверсификациялаш, соҳада давлат иштирокини камайтириш, кооперация тизимини ривожлантириш ҳамда соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш;

ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилона фойдаланиш;

соҳага бошқаруving замонавий тизимларини жорий этиш, хизмат кўрсатиш сервисини такомиллаштириш.

3. Қуйидагилар:

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасининг техник-иқтисодий асоси ҳамда унинг асосий кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ЖИЗЗАХ ВА СИРДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ ВА ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнги уч йил мобайнида ирригацияни ривожлантириш ва сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурлари доирасида Жиззах ва Сирдарё вилоятларида 170,4 км ирригация тизимлари каналлари, 145,2 км лоток тармоқлари, 33 та гидротехник иншоотлар, 734 км коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда бошқа сув хўжалиги объектилари қурилди ва реконструкция қилинди.

Натижада 104 минг гектардан ортиқ сугориладиган ерларнинг сув таъминоти яхшиланди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 15,6 минг гектарга камайтирилди, сизот сувлар сатҳи ер юзасига яқин жойлашган майдонлар 28,6 минг гектарга қисқарди, 85 минг гектардан ортиқ майдоннинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақлашга эришилди.

Шунга қарамайдан, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида 93,4 минг гектар сугориладиган ерларнинг сув таъминоти паст даражада қолмоқда, 109 минг гектар сугориладиган майдонлар ўртача ва кучли шўрланган.

“Сардоба” сув омбори тўғрисида сув тошиши оқибатида Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларидаги ақсарият сув хўжалиги объекти, шунингдек, “Марказий Мирзачўл” коллектори ва унга қуюлувчи коллекторлар жиддий талафот кўрди.

Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сугориладиган ер майдонларини сув билан ишончли таъминлаш, сувни тежайдиган сугориш технологияларини кенг жорий қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда илм-фан янгиликларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш ва илғор ўқитиш услубларини қўллаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
2020-2023 йилларда Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ирригация ва мелиорация объектиларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектиларини таъмирлаш бўйича манзилли рўйхатлар 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

2020-2023 йилларда Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув истеъмолчилари уюшмалари, кластерлар ҳамда фермер хўжалиқларининг ўз маблағлари ҳисобидан сугориш тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишларининг прогноз кўрсаткичлари 3 ва 4-иловаларга мувофиқ;

2020-2023 йилларда Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув истеъмолчилари уюшмалари, кластерлар ҳамда фермер хўжалиқларининг ўз маблағлари ҳисобидан сугориш тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишларининг прогноз кўрсаткичлари 5 ва 6-иловаларга мувофиқ;

2020-2023 йилларда Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув тежовчи сугориш технологияларини жорий қилишнинг прогноз кўрсаткичлари 7 ва 8-иловаларга мувофиқ;

Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув хўжалиги объектиларини бошқариш, сувни ҳисобга

олиш ва мониторинг юритишда рақамли технологияларни жорий қилиш прогноз кўрсаткичлари 9 ва 10-иловаларга мувофиқ;

Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги сугориш ва дренаж қудуқлари ҳамда мелиоратив объектларида сувни назорат қилиш бўйича рақамли технологияларни жорий қилишнинг прогноз кўрсаткичлари 11 ва 12-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Сув хўжалиги вазири, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳамда туманлар ҳокимларига мазкур қарорда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифати амалга оширилиши бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

2. Мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларидаги лойиҳалар, шунингдек, 3 ва 4-иловаларида белгиланган прогноз кўрсаткичлари доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар:

ҳар бир лойиҳанинг натижадорлиги ва мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб, тегишли лойиҳа ҳужжатлари асосида амалга оширилади;

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг олти минг бараваридан ортиқ бўлган ҳар бир лойиҳанинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ва туманлар ҳокимликлари, Сув хўжалиги вазири, Қишлоқ хўжалиги вазири, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томоғқа ер эгалари кенгаши, сув истеъмолчилари уюшмалари ва бошқа маффақдор ташкилотлар иштирокида ҳамда мустақил экспертларни жалб этган ҳолда муҳожама этилади ва уларнинг ижобий хулосаси асосида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири, Молия вазири, Сув хўжалиги вазири:

мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларига кўра 2020 йилда амалга ошириладиган лойиҳаларни 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурининг 2020 йил учун тасдиқланган параметрлари доирасида ҳамда Молия вазири ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жағмармаси маблаглари ҳисобига амалга оширсин, келгуси йиллар учун асосий кўрсаткичларни аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда Инвестиция дастурини шакллантириш жараёнида инобатга олсин;

Давлат бюджетининг 2020 йил параметрлари доирасида мазкур қарорнинг 7-12-иловаларидаги 2020 йил учун белгиланган чора-тадбирларни амалга оширсин, 2021-2023 йиллар учун белгиланган тадбирларни келгуси йиллар Давлат бюджети кўрсаткичларида ўрнатилган тартибда назарда тутсин.

Давоми 2-бетда

Эксклюзив интервью

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Президентимиз томонидан имзоланган “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга биноан, Ишчи гуруҳи тасдиқлаб, унга лойиҳа ижросини мувофиқлаштириш, жалб қилинаётган 500 миллион доллар маблаг доирасидаги ҳар бир лойиҳанинг асослиги ва мақсадга мувофиқлигини ўрганиш юклатилди. Лойиҳа доирасида молиялаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Мутасадди идоралар раҳбар-мутахассислари ва хорижий молиявий идоралар вакиллари мазкур қарорнинг ҳожиати ва аҳамияти ҳақида ўз фикр-муносабатларини билдирди.

Баҳодир ХОЛИҚОВ,

қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари:



— Ҳар қандай давлатда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 август куни мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва хавфсизлигини ошириш, экологик осойишталикни таъминлаш, чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлашга муҳим сиёсий масала сифатида қаралмоқда. Орол денгизининг қуриган тубида ўрмонлар барпо этилиб, Оролбўйидаги шаҳар ва туманларни ривожлантиришга қаратилган дастурлар жадал амалга оширилмоқда.

Сўнги уч йилда чиқиндиларни бошқариш соҳасига бюджетдан ажратилган 390 миллиард сўм ҳисобига 742 та махсус техника сотиб олинган, 204 та полигон модернизация қилинган.

Нодавлат сектор чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлашда яхши самара бермоқда. Қарерда шундай корхоналар ишлаётган бўлса, хизмат сифати ҳам юқори, аҳоли ҳам рози. Мисол учун, “Био Техно Эко” компанияси 6 миллион доллардан зиёд кредит ҳисобига 78 та махсус техника ва ускуналар харид қилиб, Термиз шаҳри, Термиз ва Ангор туманларидаги 285 минг аҳолига тозалаш хизмати кўрсатмоқда.

Санитар-экологик талабга жавоб бермайдиган 51 та чиқинди полигонини мақбуллаштириш, бундан ташқари, қурилиш чиқиндилари учун 26 та полигон ҳамда уларни қайта ишловчи кластерлар ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Айрим заводлар ҳавога меъёрдан ортиқча ташланма чиқариб, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай ҳолатлар фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Шу боис, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига ҳаво ифлосланишини тезкор таҳлил қиладиган мобил лабораториялар билан ҳар бир ҳудудни таъминлаш топшириги берилди. Бош вазир ўринбосарига атроф-муҳитга юқори ва ўрта хавфли 240 та йирик саноат корхонасида замонавий локал тозалаш иншоотларини ўрнатиш ва мавжудларини модернизация қилиш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Атроф-муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, ҳозирги пандемия шароитида бу масалалар янада долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХАЛҚАРО ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ҲАМДА ХАЛҚАРО ТАРАҚҚИЁТ УЮШМАСИ ИШТИРОКИДА “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ” ЛОЙИХАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси бўйича Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси маблағларидан фойдаланиш схемаси 2-иловага мувофиқ;
“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” 2а-иловага мувофиқ;
“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки қарзидан фойдаланиш ва уни қайтариш, комиссия ва фойз тўловларини амалга ошириш жадвали 3-иловага мувофиқ;
“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида Халқаро тараққиёт уюшмаси кредитидан фойдаланиш ва уни қайтариш, комиссия ва фойз тўловларини амалга ошириш жадвали 3а-иловага мувофиқ;
“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида Халқаро тараққиёт уюшмаси имтиёзли кредитдан фойдаланиш ва уни қайтариш, комиссия ва фойз тўловларини амалга ошириш жадвали 3б-иловага мувофиқ;
“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида 2021-2025 йилларда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт ҳажмларининг прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
4. Белгилансинки:
Лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида амалга оширилади;
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Лойиҳанинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини ҳамда натижадорлигини таъминлайди;
Жаҳон банкдан олинган маблағлар Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда тижорат банкларига берилган ресурсларнинг қайтиши ҳисобидан қайтарилди;
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агротехнология маркази ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги Лойиҳани ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш, уни бошқариш, Лойиҳани амалга ошириш даврида мониторинг ва ҳисоботни юритиш учун масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;
кредит линиясини бошқариш, Жаҳон банкининг маблағлари ўз вақтида ўзлаштирилиши ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, шунингдек, суб-лоийҳаларни амалга ошириш бўйича мониторинг ва ҳисоботни юритиш функциялари Лойиҳада ишти-

рок этувчи Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларига юклатилади.
5. “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳи) таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
Ишчи гуруҳи (Барноев, Ходжаев)га қуйидаги вазифалар юклатилсин:
Лойиҳанинг ўз вақтида, тўлиқ ва самарали ижросини таъминлаш ҳамда мувофиқлаштириш;
Лойиҳа доирасида қилинадиган харажатларнинг мақбул ечимларини ва тижорат банкларини томонидан молиялаштириладиган лойиҳаларни асослиги, натижадорлиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги асосида танлаб олиш;
Лойиҳа доирасида ажратилиб, иқтисод қилинган маблағларни молиялаштиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Жаҳон банки билан келишилган ҳолда ўрнатилган тартибда қайта тақсимлаш;
зарур ҳолларда, қарор иловаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш. Бунда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бошқармаси Ишчи гуруҳининг ишчи органи ҳисобланади.
6. Маълумот учун қабул қилинсинки, қонунчиликка мувофиқ халқаро молиявий институтларнинг қарзлари ва ҳукумат ташилотларининг халқаро қарзлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида:
агарда ушбу лойиҳалар халқаро ва хорижий ҳукумат молиявий ташилотлари томонидан 2020 йил 1 июлга қадар маъқулланган бўлса, юридик шахслар томонидан сотиб олинмаган товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир айланмага қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи солинмайди;
ушбу қарз маблағлари ҳисобидан юридик шахслар томонидан божхона ҳудудига олиб кирадиган товарлар божхона божи тўлашдан озод этилади;
Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмаган юридик шахслар фойда солиғи тўлашдан 2021 йил 1 июлгача бўлган мuddатда озод этилган;
ушбу имтиёзлар натижасида иқтисод қилинган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Лойиҳани амалга оширишдаги улуши деб ҳисобланади.
7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда бир ой мuddатда Лойиҳа доирасида берилмаган қарзни молиялашнинг мuddатлари ва шартлари (валюта хатарини ҳисобга олган ҳолда), сублоийҳаларни танлаш ва уларни баҳолаш мезонларини белгиланган ҳолда, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг қарзидан фойда-

ланиш тартиби тўғрисидаги низоми (кейинги ўринларда — Низом) ишлаб чиқин ҳамда тасдиқлансин.
8. Ўзбекистон Республикаси номидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзоқов) ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ва Халқаро тараққиёт уюшмаси ўртасида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини молиялаштириш тўғрисидаги қарз битими имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
Молия вазирлигига Ўзбекистон Республикаси номидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Лойиҳада иштирок этувчи Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари, бошқа вазирлик ва идоралар билан Жаҳон банки томонидан ажратилмаган маблағларни қайта кредитлаш битимларини имзолаш, шунингдек, зарур ҳолларда, ушбу битимларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин. Бунда, қайта кредитлаш битимларининг шартлари Низомга асосан белгилансин.
9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги Лойиҳа асосида Инвестиция дастурларига белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.
10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:
Лойиҳа доирасидаги тадбирларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш, натижадорлигини таъминлаш, жалб этилаётган маблағларни ўзлаштириш жараёнида ошкораликни таъминлаш ҳамда коррупциянинг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўрилишини;
Лойиҳа доирасида мева-сабзавотчилик кооперацияларига ер майдонларини белгиланган тартибда, шу жумладан, ҳудудларда барпо қилинадиган йirik агрологистика комплекслари учун белгиланган ер майдонларини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари учун компенсация ундирмасдан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилишини;
ажратилган ер участкаларидаги ердан фойдаланувчилар компенсациялари (фермер хўжаликлари томонидан кўрилган зарарлар, кесилган дарактарлар, фуқароларни кўчириш ва фуқароларга кўрсатилган барча зарарлар) ва агрологистика комплексларини муҳандислик, йўл ҳамда транспорт инфратузилмаларига уланшини таъминлаш ҳамда харажатларни маҳаллий бюджет маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланшини таъминласин.
11. Ташқи ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртманомалари бўйича Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи чет эллик мутахассисларга кириш визалари консуллик ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғим-

ларни ундирмаган ҳолда расмийлаштирилишини таъминласин.
12. Ишчи ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртманомалари бўйича Лойиҳа доирасида жалб этиладиган чет эллик мутахассисларга кўп мартали визаларни расмийлаштириш, бериш ва мuddатини узайтиришни, шунингдек, вақтинчалик яшаш жойига рўйхатга олиш ва мuddатини узайтиришни давлат божи ундирмасдан таъминласин.
13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига Лойиҳа доирасидаги тадбирларни самарали амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, шунингдек, Жаҳон банки ҳамда миллий қонунчилик талабларига мувофиқ зарур ҳисоботлар ва ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланиши ҳамда тақдим этилишини таъминлаш устидан шахсий масъулият юклансин.
14. Ҳисоб палатаси Лойиҳа доирасидаги маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ахборот киритиб босин.
15. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги:
Лойиҳа доирасида ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши жараёнида очиқлик, ошкоралик ҳамда шаффофликни таъминлаш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқин ва жорий қилсин;
Лойиҳани амалга оширишда очиқлик, ошкоралик ҳамда шаффофликни таъминлаш устидан доимий назорат ўрнатсин.
16. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:
а) Ишчи гуруҳи (Барноев, Ходжаев):
бир ҳафта мuddатда ўзининг биринчи мажлисини ўтказиб, Лойиҳа доирасидаги масъул ижрочиларнинг аниқ вазифаларини белгилаб берсин;
икки ҳафта мuddатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари тақлифлари асосида ишлаб чиқилган Лойиҳа доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳудудлар кесимида “Йўл хариталари”ни тасдиқласин;
б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев):

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
2020 йил 11 август

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев), Молия вазирлиги (Эргашев), Марказий банк (Холхўжаев) билан биргаликда бир ой мuddатда Лойиҳани амалга ошириш учун масъул бўлган вазирлик ва идора ходимлари учун хорижий консултантларни жалб қилган ҳолда **икки ҳафталик семинар** ташкил қилсин;
Лойиҳани амалга ошириш доирасида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тадбиркорлик субъектларини жалб этиш чораларини кўрсин;
Молия вазирлиги (Эргашев) билан биргаликда молиялаштирилган сублоийҳалар тўғрисида, шунингдек, уларнинг сифатли амалга оширилиши устидан мониторинг натижалари юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиб босин;
в) Бош вазир ўринбосари С.Умурзоқов қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт ҳажмларини ошириш мақсадида Лойиҳа доирасида экспортёр корхоналарни жалб қилиш чораларини кўрсин;
г) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан бир ой мuddатда Лойиҳа доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан ташаббускорлар иштирокида тақдимотлар ўтказилсин;
д) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (Ходжаев) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокорпорация ва “Дунё” ахборот агентлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида, тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда қарорда белгиланган чора-тадбирларни аҳоли орасида кенг ёритиш чораларини кўрсин.
17. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.
18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.И.Барноев зиммасига юклансин.
Ушбу қарор натижадорлиги тўғрисида 2020 йил 1 декабрда ва 2021 йилнинг ҳар чораги якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЖИЗЗАХ ВА СИРДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА КЕЧИТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

4. Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари:
мазкур қарорнинг 3 ва 4-иловаларида белгиланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши учун талаб этиладиган маблағларни маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратиб босин;
мазкур қарорнинг 5 ва 6-иловаларида белгиланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилишида сув истеъмолчилари уюшмалари, кластерлар ҳамда фермер хўжаликларига кўмаклашсин.
5. Сув хўжалиги вазирлиги, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари:
мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ тасдиқланган манзилли рўйхатлар, шунингдек, 3 ва 4-иловаларига мувофиқ тасдиқланган прогноз кўрсаткичлари доирасида объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини, бош пудрат ташилотларининг тендер (танлов) савдолари асосида аниқланишини ҳамда қурилиш ишларининг амалга оширилишини таъминлаш ва қатъий назоратга олсин;
объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда, тендер танловларини ўтказиш жараёнида шаффофликни таъминлаш ҳисобида объектларнинг қийматини мақбуллаштириш чораларини кўрсин;
лоийҳаларни амалга ошириш доирасида зарур асбоб-ускуна, хомашё, бутловчи буюмлар ҳамда қурилиш материалларининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинишини таъминласин (мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар учун);
энергия тежамкор технологияларни қўллаш ҳамда объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ишларига маҳаллий пудрат ташилотларини кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратсин.
6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.И.Барноевга тасдиқланган ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш ишлари лойиҳаларининг манзилли рўйхатларига зарур ҳолларда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.
7. 2021 йилдан бошлаб ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш бўйича устувор лойиҳаларни танлаш ва амалга оширишнинг шундай тартиби ўрнатилсинки, унга кура:
устувор лойиҳалар бўйича тақлифлар сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, геология, ер тузиш ва

лоийҳа ташилотлари мутахассислари ҳамда мутақил экспертлар, шунингдек, манфаатдор фермер ва кластерлар иштирокида жойида ҳар бир ҳудуднинг сув таъминоти, ерларнинг мелиоратив ҳолати ва бошқа ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳамда муаммолар таҳлилини қилган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда шакллантирилади;
устувор лойиҳалар бўйича тақлифлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгаши ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашида муҳокама қилинади ва маъқуллангандан сўнг белгиланган тартибда амалга оширилади;
ҳар бир лойиҳанинг амалга оширилиши ҳолати тегишли халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги партия гуруҳлари томонидан назорат қилиб борилади.
8. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларида назарда тутилган ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилмаган маблағларнинг 3 фоизигача бўлган қисми тузиладиган шартномалар асосида ушбу лойиҳаларни илмий-техник жиҳатдан таъминлаш учун йўналтирилади.
Мазкур лойиҳаларга бириктирилган илмий ходимлар тегишли олий таълим муассасаларининг докторант, магистрант ҳамда иқтидорли талабаларини жалб қилган ҳолда:
лоийҳаларни амалга оширишнинг энг муқобил йўлини танлаш ва техник топшириқларни ишлаб чиқишда иштирок этади;
объектларнинг лойиҳаолди бirlламчи ҳужжатларини тайёрлашда иштирок этади;
бош лойиҳа ташилотли томонидан тақдим қилинган лойиҳа-қидирув ишлари, материаллар ва ҳисоб-китобларни ҳамда қабул қилинаётган технологик ечимларни илмий-техник жиҳатдан асосланганлигини, замонавий қурилиш материаллари, ресурс тежамкор технологиялар ва техниканинг қўлланилишини таҳлил қилади, тегишли хулосалар ва тақлифлар тайёрлайди;
қурилиш ишларининг тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ ва сифатли бажарилишини илмий-техник жиҳатдан таъминлаб боради;
қурилиш якунланган объектларни белгиланган тартибда фойдаланишга топширишда иштирок этади ва буюртмачига ўзининг хулосасини беради.
9. Ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини илмий-техник жиҳатдан таъминлаш бўйича Ишчи гуруҳ таркиби (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳи) 13-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳига (Ў.П.Умурзаков) мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларида назарда тутилган ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини илмий-техник жиҳатдан таъминлаш юклатилсин. Бунда, Ишчи гуруҳининг вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:
мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларида келтирилган илмий ходимлар томонидан лойиҳаларни илмий-техник жиҳатдан таъминлашни таъминлаш этиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;
ҳар бир лойиҳанинг ўзига хослиги ва хусусиятидан келиб чиқиб, ресурс тежамкор ва ахборот технологиялари қўлланилиши бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
бириктирилган илмий ходимларнинг тақлифларини умумлаштирган ҳолда сув хўжалиги соҳасига илм-фан ютуқларини, сувни тежовчи технологиялар ва илгор тажрибаларини, сув хўжалиги ва сувдан фойдаланиш тизимини бошқаришнинг инновацион усулларини жорий қилиш бўйича илмий ва услубий тавсиялар ишлаб чиқишни ташкил қилиш;
илмий-техника ютуқларини қоз олиш ҳамда оммавий-ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш, семинарлар, республика ва халқаро миқёсдаги анжуманлар ташкил қилиш;
сув хўжалиги лойиҳаларини илмий-техник жиҳатдан таъминлаш бўйича Жиззах ва Сирдарё вилоятлари тажрибасини бошқа турдош олий таълим муассасаларини жалб этган ҳолда республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам жорий қилиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш.
10. 2020/2021 ўқув йилида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида (кейинги ўринларда — Институт) таҳсил олаётган талабаларнинг ёзи малакавий-ишлаб чиқариш амалиёти эксперимент тариксида Жиззах ва Сирдарё вилоятларида қуйидаги тартибда ташкил қилинсин:
а) талабаларнинг ёзи малакавий-ишлаб чиқариш амалиёти Сув хўжалиги вазирлиги томонидан Институт билан келишилган ҳолда тасдиқланган жадвал ва дастур асосида ихтисослашган кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида мазкур қарорнинг 1-4-иловаларида назарда тутилган объектларда, шунингдек, буюртмачи, пудратчи ва сув хўжалиги эксплуатация ташилотларида ўтказилади;
б) малакавий-ишлаб чиқариш амалиётини ташкил қилишда:
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда талабаларни ҳудудларга олиб боради, жойлаштиради ва зарур шароитларни яратди;

лоийҳаларнинг буюртмачиси, бош пудратчи ва сув хўжалиги эксплуатация ташилотлари талабаларни қурилиш ва сув хўжалиги объектларига даврий равишда олиб чиқади, уларга лойиҳа-смета ва қурилиш назорати ҳужжатларидан фойдаланишга ҳамда замонавий қурилиш ва сувни оқилона бошқариш услублари, техникаси ва технологияларини чуқур ўрганишлари учун амалий шароит яратди.
11. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти талабаларининг 2020/2021 ўқув йилида ёзи малакавий-ишлаб чиқариш амалиётини ўташ даврида Жиззах ва Сирдарё вилоятларида амалга ошириладиган ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш лойиҳаларида иштирокини таъминлаш жадвали 14-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
Сув хўжалиги вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидоги Дўстлик Сув хўжалиги ва мелиорация коллежи ҳамда Гулистон давлат университети ҳузуридаги Оқолтин sanoat техникумида Институт талабаларининг ёзи малакавий-ишлаб чиқариш амалиётини ташкил қилсин.
12. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.И.Барноев:
а) лойиҳаларни илмий-техник жиҳатдан таъминлаш бўйича:
мазкур қарорнинг 8-бандида назарда тутилган лойиҳаларни илмий-техник жиҳатдан таъминлашга маблағларни йўналтириб босин;
ҳар чоракда Ишчи гуруҳининг тақлиф ва тавсиялари асосида сув хўжалиги ташилотларининг таълим ва илмий муассасалар билан ўзаро интеграциясини кўчатириш, илм-фан ютуқларини ва инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ қилиш чораларини кўриб босин;
б) Институт талабаларининг ёзи малакавий-ишлаб чиқариш амалиётини мазкур қарорнинг 5-бандида назарда тутилган объектларнинг қийматини мақбуллаштиришдан бўшайдиган маблағлар ҳамда 8-бандида назарда тутилган лойиҳаларни илмий-техник жиҳатдан таъминлаш учун йўналтириладиган маблағлар доирасида ташиқлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
2020 йил 11 август

13. Сув хўжалиги вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 апрелга қадар сув хўжалиги объектларини рақамли технологиялар асосида мониторинг қилиш бўйича дастурий таъминот ишлаб чиқилишини ва амалиётга татбиқ этилишини таъминласин.
14. Сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари ҳамда Ишчи гуруҳи билан биргаликда соҳа олим ва мутахассисларини жалб қилган ҳолда икки ой мuddатда “Марказий Мирзақўл” коллектори ва унга қўюлувчи коллекторлар тизимининг техник ҳолатини жойида ўрганиб, уларни тиклаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.
15. Инновацион ривожланиш вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги тақлифига асосан соҳанинг мавжуд муаммоларини ва реал эҳтиёжларини ҳамда ҳудудий муаммоларининг илмий ечимини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш бўйича белгиланган тартибда танловлар ўтказсин.
16. Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари:
Пахтакор ҳамда Ховос туманларида илгор агрокластерларни жалб қилган ҳолда замонавий рақамли технологиялар асосида намунали автоматлаштирилган сугорги участкаларини ташкил қилиш чораларини кўрсин. Бунда Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси намунали участкаларни ташкил қилишда ҳар томонлама услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин;
3 кун мuddатда мазкур қарорни самарали ижро этишга доир масалаларни халқ депутатлари вилоятлар ҳамда туман (шаҳар)лар Кенгашида муҳокама қилсин ва тегишли қарор қабул қилсин.
17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.И.Барноев зиммасига юклансин.
Ушбу қарор натижадорлиги тўғрисида 2021 йил 1 январь ва 1 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ш. МИРЗИЁЕВ

Эксклюзив интервью

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Бошланғичи 1-бета

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонида 9 та устувор йўналиш белгиланган бўлиб, улардан бири республикада қишлоқ хўжалигида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кўллаш ҳамда амалга ошириш ҳисобланади.

Кеча қабул қилинган қарорда ҳам жалб қилинаётган маблағнинг муайян қисми илмий тадқиқот институтларининг трансформациясини йўналиши доирасида фанни ривожлантиришга, илгор технологияларни жорий этишга ажратилиб, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасалари, ихтисослашган марказлар фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини яхшилашга йўналтирилди.

Иван ХОРВАТ,
Жаҳон банки консултанти:



— Ушбу қарорнинг имзолангани фермерлар, қишлоқ хўжалиги соҳасига инвестиция киритувчилар учун ажойиб янгилик бўлди. Ўзбекистон — юксак салоҳият ва имкониятлар мамлакати. Жаҳон банкининг лойиҳаси бу йўналишда олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқади.

Маслаҳатлашувлар ва инновацияларни жорий этиш имкониятларининг яратилиши лойиҳанинг муҳим жиҳатидир. Бу ўринда янги тизим нафақат ахборот йўналишида, балки техник томондан ҳам кўмак кўрсатувчи малакали мутахассислар, бутун мамлакатни қамраб олувчи сервис хизмати, ёрдамга эҳтиёжи бор фермерлар учун доимо очик эшиклар ҳақида сўз бормоқда. Улар ўз ишларини ривожлантириш учун барча керакли маълумотларга эга бўлишади. Бу эса, ўз навбатида, соҳада самарали натижаларга эришишга туртки бўлади.

Эдриан НИЛ,
Европа Иттифоқининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича маслаҳатчиси:



— Мазкур қарорнинг қабул қилиниши мени гоёта қувонтирди. Бу Жаҳон банки учун ҳам жуда аҳамиятли лойиҳа. Унга салмоқли сармоялар киритилади ва бу соҳанинг яқин келажадаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Лойиҳа соҳага оид билмиларни ошириш, янги технологияларни жорий этишни назарда tutади. Бу эса, ўз навбатида, аграр соҳада янги тадқиқотларга йўл очиб беради. Сармояларнинг киритилиши, мутахассислар малакасининг оширилиши, фермерлар билimini амалиёт билан боғлаш имконини берувчи маслаҳат хизматининг йўлга қўйилиши ҳам диққатга сазовордир.

Бугун Ўзбекистонда мазкур тизим яхши йўлга қўйилган. Европа Иттифоқи ҳам лойиҳани молиялаштиришга ўз ҳиссасини қўшиб, уни қўллаб-қувватлайди. Ишонимизки, ушбу ҳамкорлик Ўзбекистон агросекторини яхшилашга хизмат қилади ва мамлакатга дунё бозорига ўз ўрнини топишга имкон беради.

Шухрат ОМОНОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи



— Жалб қилинаётган 500 миллион АҚШ доллари Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси мазмунидан келиб чиқиб, тўртта компонент бўйича тақсимланади.

Биринчи компонент қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви ва соҳадаги илмий-тадқиқот муассасаларини тубдан ян-

гилашга қаратилади. Бу келгусида ишлаб чиқаришда илмий асосланган тақриф ва ишланмалар кенг жорий қилинишини таъминлайди.

Иккинчи компонент — кредит линиясига 200 миллион АҚШ доллари ажратилади. Бу маблағнинг 70 фоизи, биринчи навбатда, интенсив боғлар ва тоқзорларни барпо этиш, мева-сабзавотчилик тармоғидаги махсуслотларни етиштириш, қайта ишлаш, қадоклаш, сақлаш ва очик далаларда энергия тежовчи технологияларни жорий этишга йўналтирилади.

Лойиҳанинг учинчи компоненти интенсив боғларни яратишда жорий этиладиган янги механизмга қаратилади. Бунда аҳолига интенсив боғларни тайёр ҳолда топшириш режалаштирилмоқда.

Тўртинчи компонент эса, агрологистика марказларини ташкил этиш бўлиб, бугунги кунда республикада 405 минг тонна қувватга эга 25 та агрологистика корхонаси фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунда Жаҳон банки ҳамда Осие тараққиёт банки иштирокида учта йирик шундай марказ ташкил этилиб, ҳамкорликда ишга тушириш бўйича амалий ишлар қилинмоқда.

Муносабат

ШАХС ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ

суд-тергов фаолиятининг бош мезонидир



Ахрорхон ХОШИМХОНОВ,
Тошкент давлат юридик университети проректори, юридик фанлар номзоди, доцент

Президентимизнинг "Суд-тергов фаолиятида шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мазмун-моҳиятига кўра тарихий аҳамиятга эга бўлиб, ундаги қоида ва меъёрлар шахс ҳуқуқ ва эркинликларига доир амалдаги моддий-ҳуқуқий, процессуал-ҳуқуқий ва ташкилий-ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш ва ривожлантиришни кўзлайтиради.

Фармонга асосан, суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг бир неча асосий йўналишлари, жумладан, шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, процессуал ҳақларнинг сифатини ошириш, жиноят процессида далилларни тўплаш ва мустахкамлаш, уларга баҳо бериш тизимини илгор хорижий тажрибада кенг қўлланиладиган исботлаш стандартларини инobatта олган ҳолда қайта кўриб чиқиш белгиланган. Унга эришиш учун эса тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимларини томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувларни олишни мазкур жиноят иши юритувида бўлган мансабдор шахс, яъни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга ошириш (белгиланган тартибда ҳимоячидан воз кечилган ҳоллар бундан мустасно) тартиби мустахкамланмоқда.

Бу тартиб жиноятларни фош этиш тезкор қидирув тадбирларини амалга оширувчи органлар фаолиятида мувозанат ва назоратни таъминлаб, улар томонидан турли суиистеъмоллик ва мансаб ваколатларидан четга чиқиш каби ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг олдини олади.

Суриштирув ва тергов фаолияти такомиллашувининг муҳим йўналишларидан яна бири жиноят содир этганликда гумон

қилинаётган шахсни ушлаш вақтини ҳисоблашга доир янги тартибларда ифода этилади. Амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 225-моддасида белгиланган тартибга кўра, гумон қилинувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилган вақтдан бошлаб ушланган ҳисобланади ва бу тўғрида тегишли баённома расмийлаштирилади. Ҳақиқатда эса ушланган шахсининг воқеа жойидан то тегишли идорага борувига қадар ўтган вақт инobatта олинмай қолади. Конституцияимизнинг 25-моддасига кўра, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир. Шу сабабли мазкур эркинлик амалда қачондан бошлаб чекланганини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Шу тўғрисида фармонда жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддатини у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисоблаш тартиби мустахкамланмоқда.

Фармонда шахсининг процессуал ҳуқуқларини янада кенгроқ таъминлашга қаратилган кейинги муҳим қоида сифатида шахс амалда ушланган пайтдан бошлаб тегишли мансабдор у билан боғлиқ суриштирув ва тергов ҳаракатларини ўтказишдан олдин ҳимоячи билан холи учрашувни таъминлаш шартлиги ҳақидаги қоида назарда тутилмоқда. Бу ўз навбатида, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими томонидан шахсга нисбатан жиноятни фош этиш мақсадида босим, таъйиқ ёки бошқача тарздаги жисмоний ва руҳий таъсир этиш билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олади. Унинг ҳимоячи билан холи учрашган ҳолда ўзининг муайян процессуал ҳуқуқларини амалга оширишига ҳам имкон беради. Мавжуд процессуал тартибга кўра, амалиётда шахс ушланганда унинг ҳимоячига эга бўлиш ҳуқуқи тушунтирилади, холос. Энди эса тегишли мансабдор шахс гумон қилинувчининг ҳимоячи билан холи учраштириши мажбурий сифатида белгиланмоқда. Бу келгусида томонларнинг турли қиёбат ва эътирозлар билан мурожаат қилишининг ҳам олдини олади.

Шахсининг ҳуқуқларини кафолатловчи яна бир муҳим қоида ўта оғир жиноят содир этганликда айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича, шунингдек, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳолатларида ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги белгиланишидир. Бу ўринда шахсининг ҳимоячидан воз кечиши юзасидан аризаси қайси асос ва ҳолатлардан келиб чиқиб билдирилишидан қатъий назар, инobatта олинмайди. Бу ҳам қандай шароитда бўлса-да, давлатнинг шахс манфаатини ҳимоя қилишни бош мезон сифатида кўришининг амалий ифодасидир.

Фармон асосида эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ яна бир тартибга ўзгартириш киритилган. Унга кўра, уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тартибидан жазо назарда тутилган жиноятларга доир ва эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятларни воқеа етма-

ганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ноғиронлари ҳамда пенсия ёшига етган шахслар содир этса, уларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилмайди ва бошқа турдаги энгилроқ эҳтиёт чоралари танланади. Бу ҳолат инсонпарварликнинг бир кўринишидир. Айни дамда жиноят содир этган шахсларга берилган имконият бўлиб, уларнинг дастлабки тергов ва суд фаолиятида жиноятни тез очишда фаол ёрдам беришларига хизмат ҳам қилади.

Мазкур фармон нафақат суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятини такомиллаштириш, балки суд муҳокамаси жараёнидаги қатор муаммоларни тартиб ва жараёнларнинг самарали ҳуқуқий ечимини ҳам назарда tutади.

Шунингдек, фармон билан қонундаги ярашув институти оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлик олиб ташланмаган шахслар ярашгани муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмаслиги белгиланган тартибга ҳам қўшимча киритилмоқда. Унга кўра, энди воқеа етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ноғиронлари, аёллар, олтимаш ёшдан ошган эркаклар ва эҳтиётсизлик туфайли жиноят содир этган шахслар, юқоридagi асосга кўра судланганлик олиб ташланмаган ёки тугалланмаган бўлса ҳам, содир этган жиноятлари учун ярашув асосларига кўра иш юритиш тугатилиши мумкин.

Бундан ташқари, фармон билан шу пайтга қадар суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида қўлланган бир қатор процессуал тартиб ва қоидалар муайян суиистеъмолликларни келтириб чиқариши мумкинлиги ва шахсининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини поймол этишининг олдини олиш зарурати мавжудлиги сабабли уларни амалга ошириш тақиқланмоқда.

Жумладан, суриштирув ва тергов ходимлари томонидан шахсни гайриқонуний ҳаракатлар содир этишга ундаш ва бундай ундов оқибатида содир этилган жиноятда айблаш тартибидир. Агар шундай тартибда далил йиғилиб судга тақдим этилса, бу ҳолат судлар томонидан далил сифатида тан олинмайди.

Амалиётдаги яна бир муҳим ҳолат шуки, шахсни айблаш учун асослар етарли бўлса-да, уни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бунда унга процессуал ҳуқуқлари тушунтирилмай, ўзига қарши оғзаки ва ёзма кўрсатувлар олинаётган ҳолатлар ҳам мавжуд. Айбланувчининг қонун ва халқаро ҳужжатларда ақс этган энг асосий ҳуқуқларидан бири кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларида жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлишидир. Фармондаги тартибга кўра, энди шахсни жиноят ишида гумон қилиш ва айблаш учун асослар мавжуд бўлганда, у гувоҳ сифатида сўроқ қилинмайди. Унга дарҳол процессуал ҳуқуқлари тушунтирилиб, гумон қилинувчи ва айбланувчи сифатида қарор қабул қилиниб, процессуал мақоми белгиланади ва шу асосда ундан

кўрсатувлар олинади. Бу ҳолат, биринчидан, шахсининг гувоҳ сифатида берган кўрсатувлари келгусида унинг ўзига қарши ишлатилиши мумкинлигини истисно этади.

Иккинчидан эса шахс ўзининг қандай процессуал мақомда эканини билган ҳамда тегишли тартибда ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилган, муайян қонуний эркинлик ва ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини англаган ҳолда ҳаракат қилишига имкон беради.

Шунингдек, янги тартибга кўра, судга қадар иш юритиш босқичида шахс ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида, агар ушланган айбланувчининг яқин қариндошларини жараён иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаса, уларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига қачирши ва сўроқ қилиш тақиқланади. Бу айни ҳолатда айбланувчининг яқин қариндошлари дахлсизлигини кафолатловчи қоидадир. Эеро, бир шахс содир этган жиноят учун бошқа шахс ёки унинг яқин қариндошлари жавобгар бўлиши мумкин эмас.

Шу билан бирга, фармон билан яна бир қатор ташкилий чора-тадбирлар белгиланмоқдаки, улар орқали давлат органи ҳамда фуқароларнинг вақти ва нақдининг тежаллишига эришилади.

Тошкент шаҳри прокуратураси тергов бўлинималари ва ички ишлар бош бошқармаси тергов бошқармасининг фаолияти халқаро стандартлар ҳамда илгор хорижий тажрибага мувофиқ намунавий тарзда ташкил этилади. Жумладан, улар замонвий криминалистика ускуналари билан жиҳозланган автотранспорт воситалари, процессуал ҳаракатларни аудио ва видеога қайд этиш тизимлари ҳамда стенография қилиш ускуналари билан таъминланади. Бунда тергов хоналари замонвий тарзда, халқаро стандартларга мослаштирилиб, шахсларнинг ҳимоячи билан холи учрашиши учун мўлжалланган ҳолда ташкил этилади. Шунингдек, тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш учун жазони ижро этиш муассасалари ва тергов хибсхоналарини техник воситалар ҳамда ускуналар билан тўлиқ жиҳозлаш чоралари кўрилади.

Президентимизнинг ушбу фармонида белгиланган вазифа ва чора-тадбирларнинг амалга оширилиши фуқароларнинг жиноят иш юритуви жараёнидаги конституциявий ва процессуал ҳуқуқ ҳамда эркинликларини том маънода кафолатлайди. Бу айни пайтда тегишли тезкор қидирув органлари, суриштирув, дастлабки тергов ва суд ходимларининг масъулият ва жавобгарлигини бир неча қарра оширади. Уларнинг фаолияти мезони сифатида жиноятларни ҳар қандай усул билан очиб эмас, балки ҳар бир шахсининг ҳуқуқ ва эркинлиги олий қадрияти бўлиши кераклигини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди. Бунинг натижа-сида эса шимдат билан ривожланаётган мамлакатимизда қонун устуворлиги ҳамда адолат қарор топишига эришилади.



Икром МУСЛИМОВ,
Олий суд раисининг ўринбосари

Ушбу фармон мамлакатимизда жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажрибани инobatта олган ҳолда такомиллаштириш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўёбга чиқариш, жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга оширишга қаратилган. Энг асосийси, ушбу фармон билан суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланган бўлиди.

Ҳўш, бу йўналишлар нималардан иборат? Айбига иқдорлик бўйича келишув институти жорий қилинади. Бунда айрим жиноятлар тоифалари бўйича шахс айбини бўйича олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган ҳолларда суриштирув ва дастлабки тергов органлари билан ёзма келишув тузилиши ҳамда унга нисбатан суд томонидан Жиноят кодексининг махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан кўп бўлмаган миқдори ва (ёки) муддатига жазо тайинланади.

Жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида гувоҳ ва жабрланувчинини оғир касаллиги ёки узоқ муддатга чет давлатга чиқиб кетиш зарурати туфайли кечроқ сўроқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, уларнинг кўрсатувларини гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, прокурор ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра, суд томонидан тарофларнинг иштирокида олдиндан мустахкамлаб қўйиш тартиби жорий қилинади.

Агар суд тергов вақтида судла-

нувчининг унга илгари айблов қўйилмаган жиноятни содир этганлигини кўрсатуви ҳолатлар аниқланса, судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш асосларини аниқлаш ҳақида илтимосномани судга киритиш ҳуқуқи иш бўйича барча тарафларга берилади.

Суд тергов вақтида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ушбу шахснинг ишда айбланувчи тарихида иштирок этишга жалб қилиш учун асосларни аниқлаш ҳақида илтимосномани судга киритиш ҳуқуқи иш бўйича барча тарафларга берилади.

Шахсга эълон қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида қўриб-таланилганда қатъий назар, ярашув институти доирасига тушадиган Жиноят кодекси махсус қисмининг моддаси ёки қисмига ўзгартирилган ҳолларда ярашув институтини қўллаш тартиби жорий қилинади. Айтиш керакки, шу кунга қадар фақат биринчи инстанция судида ярашув амалга оширилган бўлиб, дастлабки тергов қўйган айблов судда Жиноят кодекси махсус қисмининг бошқа моддаси ёки қисмига ўзгартирилганда ярашув мумкин эмас эди.

Судланувчининг жиноят содир этилишига дахли бўлмаганлиги асоси билан оқлов ҳукми чиқарилган ҳолларда жиноятни ҳақиқатда содир этган шахсни аниқлаш ва айбланувчи тарихида ишга жалб қилиш учун жиноят ишини прокуратурага юбориш тартиби ўрнатилади.

Бундан ташқари, мазкур фармон билан терговга қадар текширув ёки терговда ушланган шахсни ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган шахснинг тиббий кўриқдан ўтказиш, шунингдек, вақтинча сақлаш ва тергов хибсхоналарида сақланаётган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг гувоҳлантириш уларнинг ёки адвокатларини таъминлаш устидан суд назоратини кучайтириш масалаларини кўриб чиқиш юклатилди.

Улоса ўрнида айтганда, Президентимизнинг ушбу фармони суд-тергов фаолиятида мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш билан бирга шахсининг ҳуқуқларининг кафолатли ҳимоясига хизмат қилади.

Янгиланиш мезонлари

ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТУВЧИ ЭНГ ҚИСҚА ЙЎЛ



Шуҳрат СОДИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш зарури индустриаллаш, кўп маблаг ва меҳнат ресурсларини талаб этиши, бироқ қанчалик кийин бўлмасин, бу ишга бугун киришишимиз зарурлиги, шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси энг устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолиши таъкидланди. Чунки рақамли технологиялар маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, энг оғир иллатлардан бири — коррупция балосини йўқотишда ҳам самарали восита бўлиб хизмат қилади.

2020 йилнинг Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили, деб эълон қилинган ҳамда шу бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилгани ҳам юқоридаги устувор йўналишлар рўйида салмоқли роль ўйнамоқда. Чунки, рақамли иқтисодиётга ўтиш вазифаси қатъий мақсад сифатида белгиланган бўлиши нафақат халқаро экспертлар ҳамжамияти томонидан қизин кутиб олинди, балки бугунги пандемия даврида ҳам илм-маърифат қарор бўлганини кўрсатмоқда. Шундай экан, яқин йилларда бизнес юритиш муҳити бўйича дунёнинг энг илғор эллик давлати сафига кирсак, ажабмас.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш энг устувор мақсадимиз бўлиши баробарида бевосита илм-маърифатни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Бинобарин, бугунги тезкор замонда рақамли иқтисодиёт илғор давлатлар иқтисодиётининг барча тармоқларида кенг жорий этилмоқда. Ҳатто, айрим мамлакатлар сунъий интеллектдан фаол фойдаланишга ўтганига гувоҳ бўлямиш.

Нуфузли халқаро ташкилотлар таҳлиллари натижаларига кўра, рақамли иқтисодиёт яқин икки маҳсулот ҳажмини камида 30 фоиз ошириш, шунинг баробарида, хуфёна иқтисодиётга барҳам бериш ва коррупцияни кескин камайтириш имконини тақдим этади. Кўриниб турибдики, мазкур соҳа юртимизда барча тармоқларнинг юксак ривожига жиддий туртки бўлади, инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади.

Харажатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"га амалга оширишга оид давлат дастури иқтисодий таъминлашда энг устувор вазифалардан бири сифатида иқтисодий соҳа объектлари, умумтаълим мактабларини 80 фоиз, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини йил охиригача 100 фоиз тезкор интернетга ўлаш вазифаси қўйилди.

Бу ўз навбатида, ёш авлоднинг замонавий билим олиши, беморларга сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиши салоҳиятини ошириш билан аҳамиятлидир.

Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш борасида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда интернет тармоғига кенг попусали унатиш учун 490 мингта порт ўрнатилиб, уларнинг умумий сони 2,5 миллионга етказилди. Бундан ташқари, 9 минг километрга яқин оптик талапи алоқа линиялари тортидди.

Маълумотлар узатиш тармоғининг ўтказувчанлик қобилияти вилотат марказлари даражасида 2 баробар, туман марказлари даражасида эса 4 баробар ошди. Хизмат миқёсини кенгайтириш мақсадида 1 375 та мобил алоқа база станцияси ўрнатилиб, уларнинг сони 27,4 мингтага етказилди ва аҳоли масканларида унинг қамрови 97 фоизга ҳамда юқори тезликдаги йўналиши 78 фоизга етказилди. Аҳолининг кенг попусали мобил хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида "Ўзбектелеком" АК "Ўзмобайл"

Ўзбекистон бугун кенг қамровли ислохотлар натижасида, ривожланган кучли давлатлар қаторидан ўрин олишни асосий мақсад қилган. Президентимиз парламентга Мурожаатномасида тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ҳамда замонавий ахборот технологияларини эгаллаш зарур ва шартлиги, бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини бериши, зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бораётганига алоҳида эътибор қаратди.

филиали томонидан мавжуд мингдан ортиқ база станцияси модернизация қилинди. Жиззах эркин иқтисодий зонасида Жанубий кореялик ҳамкорлар билан биргаликда қиймати 11 миллион долларга тенг, йиллик қуввати 50 минг километр оптик талапи кабель маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўжалланган завод ишга туширилди. Бугунги кунга қадар телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ишлари асосида мавжуд 19 341 та иқтисодий соҳа объектдан 60 фоизи, жумладан, халқ таълими объектларининг 5 659 тасида (56 фоиз), мактабгача таълим муассасаларининг 3 723 тасида (65 фоиз) ва соғлиқни сақлаш объектларининг 2 213 тасида (63 фоиз) оптик талапи алоқа линиялари асосида юқори тезликдаги интернет хизматларидан фойдаланишга имконият яратилди.

Телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида йил якунига қадар 153,7 миллион доллар қийматидаги лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган. Шу кунга қадар, асосан, телефон хизматларини кўрсатувчи 2G мобил тармоқларни кенгайтириш вазифаси бажарилган бўлса, ҳозир тармоқнинг қамровини ошириш бўйича лойиҳалар 3G/4G тармоқларни кенгайтиришга йўналтирилмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўзида 2 200 та 3G/4G база станциясини ўрнатиш режалаштирилган. Қолаверса, телекоммуникация хизматлари учун тариф нархлари арзонлашмоқда. 2019 йил давомида провайдер ва операторлар учун таъқи каналга унатиш тарифлари нархи 1 Мбит/с учун 17 фоизга, 2020 йилнинг 1 январидан оператор ва провайдерларга интернет хизматлари учун тариф ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 34 фоиз арзонлаштирилди.

Мамлакатимизда АКТ соҳасидаги энг илғор технология ишланмалари жорий этишга катта эътибор қаратилади. 2019 йил сентябрдан иккита маҳаллий мобил оператори — "UZMOBILE" ва "Ucell" 5G технологиясини тест синовидан ўтказса бошлагани шундан далолат беради.

Фуқароларнинг давлат орگانлари билан алоқасини электрон платформа орқали амалга ошириш, яъни давлат ўз фуқаролари учун электрон хизматлар кўрсатиши ва электрон маҳсулотларни тақлиф этиши рақамли иқтисодиётнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ана шу мақсадда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (https://my.gov.uz) ишлаб турибди. Бугунги кунда ушбу портал орқали 200 турдан ортиқ электрон давлат хизматлари тақдим этиб келинмоқда. Улар бўйича йил бошидан бери 1,4 миллионга арива келиб тушган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,1 фоиз ошди. Йил якунига қадар умумий хизматлар тури 230 тадан ошди. Жумладан, кўчмас мулкни ижарага бериш шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилотатида доимий рўйхатда олиш, иш стажини тасдиқлаш ҳақида архив маълумотнома олиш хизматлари жорий қилиниши ҳамда архитектура-режалаштириш топширинини олиш, кадастр паспортини рўйхатдан ўтказиш, ипотека кредитлари бўйича давлат субсидиясини олиш хизматларининг тақомиллаштирилиши режалаштирилган.

Ахборот-коммуникация технологиялари изчил ривожланишининг муҳим омилларидан яна бири соҳада рақобатбардор маҳсулотлар ва хизматлари ривожлантириш учун кулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ички ва ташқи бозорларда илгари суриш, инновацион ишланмаларни рақобатлантиришдир.

Айнан мана шу мақсадни кўзлаб барпо этилган Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технология паркиннинг резидентлари ҳисобланган 400 ташкилотда бугун турт минг нафардан ортиқ мутахассис фаолият юритмоқда. Энг муҳими, ушбу ташкилотларнинг 14 таси хорижий капитал иштирокида ташкил этилган бўлса, 54 таси янги очилган.

Йил бошидан бери IT-парк резидентлари томонидан 560 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди, дастурий маҳсулотлар ва хизматлар ҳажми 346,2 миллион сўм, хусусан, экспорт ҳажми 6,1 миллион долларни ташкил этди.

Тошкент шаҳрида IT-парк резидентлари сонини кўпайтириш ва етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида умумий майдони 408 минг квадрат метрга тенг ҳудудда хориждан жалб қилинган эксперт билан ҳамкорликда IT-парк инфратузилмаси объектларини қуриш концепцияси ишлаб чиқилиб, қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. IT-паркнинг худудий филиалларини ташкил этиш бўйича жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар билан кўшма қарорлар имзоланиб, ҳар бир лойиҳа бўйича бажариладиган вазифаларнинг тармоқ жадаллари тасдиқланди.

IT-паркнинг худудий филиаллари бинолари Андижон ("Digital city" технопарки), Фарғона (IT-паркнинг Марғилон филиали), Сирдарё (IT-паркнинг Гулистон филиали) вилотатларида фойдаланишга топширилиб, Андижон филиалида 10 та ва Марғилон филиалида 7 та резидент фаолият юритмоқда. Шунингдек, Наманган, Нукус, Самарқанд, Урганч ва Жиззах, Бухоро шаҳарларида IT-парк филиаллари биноларини қуриш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Рақамли технологияларнинг энг катта ютуғи ташкилий, молиявий харажатларни тежаш орқали иқтисодий самарадорликни кескин ошириш имкониятидир. Ҳозир рақамли технологиялардан турли соҳа ва тармоқларда кенг фойдаланилмоқда. Юртимиз учун энг долзарб бўлган шундай соҳалардан бири қишлоқ хўжалигидир. Мазкур соҳада ҳозирги пайтда катта ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Ҳозирги кунда хорижий компанияларнинг ерни масофадан зондлаш йўлдошлари олган космик суратларни республикамиз ҳудудида қабул қилиш ва уларга ишлов бериш учун геоахборот марказини ташкил этиш лойиҳаси бўйича тақлифлар ўрганилмоқда. Мазкур лойиҳа геоахборот технологияларини трансфер қилиш ва маҳаллий мутахассисларни халқаро даражада тайёрлаш ҳам қарам олади. Бунинг натижасида космик суратларни қабул қилиш ҳамда уларга ишлов бериш орқали геодезия, картография ва кадастр йўналишлари, ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш ишлари самарадорлиги таъминланади.

Андижон шаҳрида яқинда очилган IT-Park филиали — Digital City да "Monterra" номли пилот лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳанинг мақсади сунъий интеллект технологиялари ёрдамида қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг ҳолатини (сунъий йўлдош тасвирлари таҳлили натижасида аниқлаш орқали) объектив баҳолаш ҳисобланади. 21 июль кун Президентимиз ер ҳисоби ва давлат кадастрларини тўлиқ шакллантириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказганди. Унда Ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги олдида ҳам бир қатор вазифалар қўйилди. Жумладан, йилги кадастр идоралари зиммасига ернинг ҳисоби ва балансини юритиш, йил якунига қадар ер тури, контури, чегараси ва фойдаланувчиси ҳақидаги маълумотлар жалманган ахборот тизимини ишга тушириш вазифаси юкланди.

Энди ер ажратиш тўғрисидаги қарор мазкур тизимга киритилсагина ҳақиқий ҳисобланади. Шунингдек, сунъий йўлдош каналларини ижарага олиш ва сигналларни қайта ишлаш тизимини ташкил этишга қўрсатма берилди. Бу эса космосуратларни йиллар бўйича тақрорлаш орқали ҳосилдорликни таҳлил қилиш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини мунтазам ўрганишда кўл келади.

Йил якунига қадар қишлоқ хўжалиги майдонларини электрон танлов ва аукцион асосида ажратиш тартибини жорий қилиш, халқаро экспертларни жалб этган ҳолда ер тоифаларини оптималлаштириш борасидаги ишлар ўз вақтида бажарилишида вазирлигимиз бошқа мутасадди ташкилот ва идоралар билан яқиндан ҳамкорликда иш олиб боради.

Мазкур вазифаларнинг самарали амалга оширилиши, шубҳасиз, республиканинг иқтисодий-иқтисодий ривожланишига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади, замонавий тараққиётнинг янги қирраларини ўзлаштиришга хизмат қилади.

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига

КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ — КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ҲУДУДИ



Соҳиба МУЛЛАЕВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Сабаби, зарур муҳандислик-коммуникация ва инфратузилма объектларини, муайян ер ёки ишлаб чиқариш майдонини ўз ичига олувчи кичик саноат зоналари тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга катта имкониятлар яратади. Аввало, саноат ишлаб чиқаришини жадаллаштиради, худудларнинг тадбиркорлик учун инвестициявий жозибadorлигини оширади, янги технологияларни жалб қилишга, тадбиркорлик фаолиятини рақобатлантиришга йўл очади. Бўш майдонлардан реал иқтисодий секторни ривожлантириш орқали самарали фойдаланишга, аҳоли учун иш жойлари ташкил этишга ҳамда янги рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришга замин яратади. Президентимизнинг 2019 йил 21 июндаги "Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида уларнинг иштирокчилари учун фаолият юритиш шартномаларини сифат жиҳатидан яхшилаш ва маҳсулотларни сотишга қўлақлаштириш, инвестициялар жалб қилинишини фаоллаштириш, шу асосда янги турган иш жойлари ташкил этилишини таъминлаш ва аҳоли даромадини ошириш асосий мақсад ҳисобланади.

3 ЁКИ 5 ЙИЛДАН KEYIN ТАДБИРКОР ЕРЛИ БЎЛАДИ

Юқоридаги мақсадларни амалга ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилотлар ва Тошкент шаҳрида давлат муассасаси шаклидаги кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекциялар ташкил этилди. Уларнинг иштирокчиларига ўзлари қурган бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)га мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда расмийлаштириш, реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлашни ўз маблаглари ҳисобидан амалга оширган тақрида, кичик саноат зонаси иштирокчиси макomini олган кундан бошлаб камида 3 йил муддат ўтгандан кейин хусусийлаштириш ҳуқуқи берилди. Қолаверса, бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)ни хусусийлаштириш ҳамда инвестиция ва бошқа иқтисодий мажбуриятларни тўлиқ бажарган тақрида, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси макomini олган даврдан бошлаб камида 5 йил муддат ўтгандан кейин, ўзларига берилган бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)ни ўз номига расмийлаштириш имконияти яратилди. Шу тариқа сўнгги уч йилда кичик саноат зоналарининг нуфузи ва ишлаш кўлами ортди.

ИХТИСОСЛАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ

Меҳнатсевар ва очикўнгли водийликлар азиздан хусусий илмий тадбиркорликка уста бўлиб келишган. Уларнинг йиллар давомида енгил саноат, чарм-поябзал ишлаб чиқариши каби йўналишларда орттирилган улкан тажрибаси бугун республика ва жаҳон бозорига чиқаётган маҳсулотларда акс этмоқда, десак хато бўлмайдими. Айниқса, Наманган вилоти Чуст туманида ташкил этилган "Наманган" эркин иқтисодий зонаси республикадаги энг йирик тадбиркорлик майдонларидан бирига айланди.

— Вилотимизда аввалдан ишлаётган 14 та ва янги ташкил қилинган 20 та кичик саноат зонаси фаолият юритмоқда, — дейди Наманган вилоти кичик саноат зоналарини бошқариш ягона дирекцияси директори Фарух Азимов. — Улар фаолиятини тўғри йўлга қўйишда ички ва ташқи бозор ўрганилиб, экспорт маҳсулот турларини аниқлаш муҳим омил саналади. Мисол сифатида Наманган шаҳридаги "Пахталикўл" кичик саноат зонасини оспак. Шаҳар аҳолисининг чарм маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича кўп йиллик тажрибаси борлигини ҳисобга олиб, шу йўналишни чуқурроқ ривожлантириш мақсад қилинди. 2,8 гектар майдонни эгаллаган ушбу ҳудудда терини қайта ишлаш, чарм-поябзал, мебель ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қаратилган 15 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Бугун бу ерда 1 050 на-

Тадбиркор аҳли учун ернинг қадри жуда баланд. Ишлаб турган жойи ўзиники бўлса, ризқ-рўзи унади. Ижарада ишласа, кўпинча топганининг баракаси кўнглидагидек бўлмайди. Ерни сотиб олиб, тадбиркорликни бошлай деса, сармоғига эҳтиж сезади. Ана шундай пайтда кичик саноат зоналарининг жонига ора киради.

нафар аҳоли иш билан таъминланган. Олдинлари усталар кўнбола шартда ишлаб келган бўлса, айна пайтда пойабзаллар замонавий ускуналарда профессионал тарзда тикилмоқда ва шу ернинг ўзидан экспортга йўналтирилмоқда.

Тадбиркорларнинг тайёр жойда юқори фойдали кредитлар билан эмас, ўз маблагларидан ишни йўлга қўяётгани, биринчи ишончини кафолатлайди. Айтиш керакки, кичик саноат зоналарининг фаолияти йўналишлари ўша худуднинг қайси соҳага иқтисодий ҳисобга олинган ҳолда танланади. Масалан, "Пахталикўл"да кўпроқ чарм-поябзал ишлаб чиқарилишига уруғ берилса, "Орзу" кичик саноат зонаси тўқимачилик маҳсулотларига иқтисослашди.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 27 июнь кунин Наманган шаҳридаги "Юксалиш" кичик саноат зонасида бўлиб, "Flat Tile" масъулияти чекланган жамиятнинг кафе-керамика маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишди. Қиймати 125 миллион сўмга тенг лойиҳага ташаббускорлар жамғармасида 73 миллион сўм ва 52 миллион сўм банк кредити сарфланади. Йилига 35 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати яратадиган лойиҳа бошқарма-босиқ 2021 йилнинг иккинчи чорагида ишга туширилади ва 410 та иш ўрни яратилади.

Айтиш керакки, 117 гектар майдонни эгаллаган "Юксалиш" кичик саноат зонасида қурилиш материаллари, машинасозлик ва металлга ишлов бериш, электротехника, тўқимачилик ва тикувчилик каби йўналишларда умумий қиймати 1 триллион 208 миллион сўмлик 95 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Бугунги кунга қадар 66,9 миллион сўмлик 32 та лойиҳа ишга туширилган бўлиб, 311,1 миллиард сўмлик ишлаб чиқариш қувватига эришилди. Мазкур лойиҳалар тўлиқ ишга тушса, 7 минг 300 та иш ўрни яратилиб, йилига 7,8 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади. Ҳозирги кунда кичик саноат зонасида шифер, пўлатдан чоксиз қувур, металл маҳсулотларини қайта ишлаш, сув насослари ва электр двигателлари, момиқ сочик, йирик сув сигимлари ҳамда пластик қувурлар ва қисмлар, пайпоқ ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Лойиҳаларни кўздан кечирар экан, Президентимиз имкониятлардан максимал даражада фойдаланишимиз зарурлигини таъкидлади. "Ўзбекистонимиздек фойдали қазилмага бой замин камдан-кам. Ўзимизда шундай юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун гоят кенг имкониятлар, табиий ресурслар бўла туриб, уларни импорт қилардик. Неге? Чунки замонавий геологик тадқиқотлар, экспедициялар қилмасдик, илм-фан орқали масалаларга ёндашмасдик. Энди хомашедан тўғри, унумли фойдаланиш, ундан бугунги кун талабларига жавоб берадиган товарлар ишлаб чиқариш учун илмий асосланган ечимлар топш вақти келди", деган эди давлатимиз раҳбари.

"КАТТА СУВ"НИНГ КАТТА МАҚСАДЛАРИ

Президентимизнинг 2018 йил 5 июндаги "Навоий" эркин иқтисодий зонаси фаолиятини кенгайтириш ва Навоий вилотида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан Зарафшон ва Навоий шаҳарлари ҳамда Кармана ва Хатирчи туманларида кичик саноат зонаси ташкил этилган эди. Улар ичиде худуд ва иш кўлами жиҳатидан энг йириги Хатирчи туманидаги "Мустақиллик" маҳалласи ҳудудида бўш турган 35 гектар майдонда иш бошлади. Маълумотларга қараганда, Хатирчи тумани Ўзбекистоннинг дастлабки 79 тумани қаторида расман 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. Хатирчи сўзи "Катта сув" маъносини билдирди.

Мазкур тумандаги кичик саноат зонаси барча ташқи муҳандислик инфратузилма тармоқлари билан таъминланган бўлиб, унда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат, енгил саноат ва қурилиш материаллари йўналишида умумий қиймати қариб 300 млрд. сўм бўлган 23 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Уларнинг ишга тушиши натижасида 1 500 на-

фарга яқин аҳолининг қозони қайнайди ва йилига 200 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

"Хатирчи текстиль" корхонаси кичик саноат зонасининг энг йирик лойиҳаларидан бири бўлиб, унда йилига 6 минг тонна қалава ил, 6 миллион метр газлама ишлаб чиқарилади. Асосийси, мингдан ортиқ иш ўрни яратилади, уларнинг 85 фоизини аёллар эгаллайди.

— Бу корхона худудимиз учун янгилик, — дейди Хатирчи тумани ҳокими ўринбосари Баҳодир Нейматов. — Чунки шу пайтгача юртимизда етиштирилган пахта хомашеси ўзимизда қайта ишланмас эди. Лойиҳа доирасида 26,6 миллион АҚШ доллари миқдордаги инвестиция ўзлаштирилади. Бу лойиҳа туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 20-25 фоиз ўсishiга ҳисса қўшади. Бундан ташқари, кичик зонада умумий қиймати 300 млрд. сўмдан ошадиган 20 дан ортиқ лойиҳа йўлга қўйилади. Уларни ҳам ҳисобга олсак, умумий ҳисобда 2 мингга яқин иш ўрни яратиши режалаштирилди. Айтиш керакки, мазкур худудда жойлаштирилётган лойиҳалар, асосан, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортга мўлжалланган, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга мўлжалланган.

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ — МУҲИМ

Тадбиркорга жой ажратилди, ишлаши учун имконият яратилди, инвестиция ва экспорт масалаларига қўлақлашилди. Аммо яна бир жиҳатни унутмаслик керак: бу солиқ имтиёзи. Агар энди оёқга тураётган тадбиркорга солиқ имтиёзлари берилмас экан, қолган имкониятларнинг натижаси унчалик кўзга ташланмайди.

Самарқанд вилотидаги жами 116,5 гектар майдонни эгаллайдиган 14 та кичик саноат зонасида тадбиркорлар бизнес лойиҳалари ва ишлаб чиқариш имкониятларини амалиётга таътиб этмоқда. Шунингдек, ишбилармонлар белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни вақтида амалга ошириб, доимий иш ўрни яратиш борсалар, кейинчалик мулк ҳуқуқи билан 10 йилгача ижарага бериш режалаштирилган.

— Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши баёни қабул қилинган кундан эътиборан кичик саноат зонаси иштирокчилари икки йил муддатга юридик шахсларга солинадиган мол-мулк солиғи ва фойда солиғи, шунингдек, ягона солиқ тўловидан озод қилинади, — дейди Самарқанд вилоти солиқ қўшма бўлими бошқарма котиби Даврон Равшанов. — Солиқ имтиёзлари кичик саноат зонаси иштирокчилари томонидан энг кам иш ҳақининг 2 000 бараваридан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш шарти билан тақдим этилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 30 фоизи экспортга чиқарилса, имтиёзлар муддати узайтириб борилади.

Айтилган, 918, гектарни ўз ичига олган "Уруғ" эркин иқтисодий зонасида ҳукумат тақдим этаётган имтиёзлардан унумли фойдаланиб, 73 та лойиҳа тўлиқ йўлга қўйилиб, 5 337 та янги иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда. Айни пайтда эса у ерда 49 та лойиҳа доирасида ишлаб чиқариш бошланган. Натижада 3 288 киши ойлик даромадага эга бўлди. Мазкур корхоналар томонидан 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра, 470,1 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 10,2 миллион АҚШ долларилик экспорт амалга оширилгани ҳам айтиб ўтиш зарур.

— Пандемия шартини бўлишига қарамай, жорий йилнинг 6 ойида 7 та лойиҳа ишга туширилди, — дейди Даврон Равшанов. — Бундан ташқари, умумий қиймати 257,7 миллион АҚШ долларилик 14 та лойиҳа ўрганиш жараёнида бўлиб, шундан 4 таси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиғи хузуридаги Лойиҳа ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказига юборилган.

АҲОЛИ ҲАЁТИ УНГЛАНАДИ

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги берган маълумотларга кўра, шу кунгача республикада 149 та кичик саноат зонаси ташкил этилди ва шу орқали 25 мингдан зиёд иш ўрни яратилди. Жорий йил якунига қадар қўшимча равишда 114 та янги кичик саноат зонаси ташкил этилиши кўтилмоқда. Бу аҳолининг яна йигирма мингдан ортиғи иш билан таъминланади, дегани.

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигини халқимиз пандемия сабаб синовили кунларда кутиб олмақда. Лекин карантин чоралари орқасидан келадиган иқтисодий оқибатларни юмшатишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар натижаси улароқ, бу кунлардан бору юз ва талафотларсиз чиқиш умиди ёр. Бу борада эркин иқтисодий зоналар ҳамда кичик саноат зоналари фаолиятини жадаллаштириш, тадбиркорларга енгиллик ва имтиёзларни янада кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмининг неча баробар ошириб, экспортга кенг йўл очиб қабилар муҳим вазифалар ҳисобланади. Сабаби, шу орқали нафақат тадбиркорнинг иши фаоллашади, балки аҳолининг ҳаёти ҳам ўнланади. Ун минглаб кишилар даромадли, ишли ва ўз касбининг устас

Долзарб мавзу

140 ТА ТУМАННИНГ МАЪМУРИЙ ҲУДУДЛАРИНИ АНИҚ БЕЛГИЛАШ ЛОЗИМ

Янги таҳрирдаги қонун ана шундай камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади



Демократик давлатда инсонларнинг ҳаёт тарзи уларнинг манфаатларига мос келадиган қонун ҳужжатлари доирасида амалга оширилади. Шундай экан, қабул қилинаётган ҳар бир қонун мамлакат ва жамият манфаатларига бирдек тўғри келган ҳолда ҳаётга кенг татбиқ этилиши лозим. Олий Мажлис Сенатининг 7 август кунини бўлиб ўтган олтинчи ялпи мажлисида ҳам бир қатор муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Улар қаторида “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири ҳам қизгин муҳокама қилиниб, парламент юқори палатаси аъзолари томонидан маъқулланди. Давергеодезкадастр кўмитаси раиси Халилилло Тўраҳўжаев 1996 йилда қабул қилинган мазкур қонунни қайта ишлаб чиқиш зарурати, унинг аҳамияти ҳамда қонуннинг янги таҳририга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар моҳияти ҳақида ўз фикрларини билдирди.

— Сўнги йилларда мамлакатимизда ернинг ҳисобини аниқ юритиш ва ундан самарали фойдаланиш, ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаш ва ноқонунли қуришлар қилиш ҳолатларининг олдини олиш, туман ва шаҳарларнинг маъмурий-ҳудудий чегараларини тўғри белгилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишдаги туб ислохотлар, кўмида тизимидаги камчиликларни бартараф этишга қаратилаётган чора-тадбирлар бу борадаги муҳим ҳужжат — “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқишга зарур асос бўлди.

Айни дамда Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳудудий тузилиши Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят, Тошкент шаҳри, 171 та туман, 31 та шаҳар, 1 094 та шаҳарча ҳамда қишлоқ ва овулдан иборат. Аммо бугунги кунда айрим вилоят, туманлар ўртасидаги ҳудудий чегараларда кўплаб ноаниқлик ва ноқулайликлар мавжуд. Республикаимиздаги 140 та туманнинг маъмурий ҳудудлари ҳали аниқ белгиланмаган. Шу кунга қадар 66 та туман чегарасини белгилашга эришдик, аммо бу борада қилиниши зарур бўлган ишлар ҳали талайгина.

Ҳудудлар чегаралари билан боғлиқ муаммоларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти маъмурий-ҳудудий чегараларида ҳам уратиш мумкин. Хусусан, Тошкент вилоятининг 5 та — Зангиота, Янгийўл, Куйичирик, Ўртачирчиқ ва Юқоричирчиқ туманларининг айрим маҳаллалари Тошкент шаҳри ҳалқа йўли ичига кириб қолган. Масалан, Тошкент вилоятининг Зангиота туманига қарашли “Хонобод” маҳалласи пойтахтнинг Сергели ва Бектемир туманлари орасида эки Тошкент шаҳрига қарашли Улуғбек шаҳарчаси тўлиқ Тошкент вилоятининг Қўнград тумани маъмурий ҳудудида жойлашган. Бу каби номутаносибликлар Тошкент вилояти туманлари ва шаҳарларнинг ўзаро чегара ҳудудлари ҳам мавжуд. Ушбу ҳолатлар сабаб мазкур ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланишида кўплаб ноқулайлик юзага келмоқда.

Тизимдаги ана шундай муаммо-камчиликлар амалдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги қонуннинг бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари билан боғлиқ муносабатларни тўғридан-тўғри амал қилувчи нормалар орқали қонуний тартибга солишга мўлжалланган янги таҳририни ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирди.

Бундан ташқари, янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишнинг бир неча объектив сабаблари ҳам бор.

Биринчидан, амалдаги қонун маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини тизимли ҳал этишни таъминлай олмайди ва унда босқичма-босқич қарор қабул қилиш тартиби мавжуд эмас.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича тақлифларни давлат экспертизасидан ўтказиш тартиби-таомиллари ишлаб чиқилмагани ва юқоридаги қонун билан тартибга солинмагани мазкур масалаларда чуқур таҳлил қилинмаган қарорларнинг қабул қилинишига замин яратиши мумкин.

Учинчидан, амалдаги қонунда давлат ҳокимият ва бошқарув органларининг ваколатлари ва вазифалари аниқ белгилаб берилмаган, тўғридан-тўғри амал қилувчи нормалар,



маъмурий чегараларни жойида белгилаш механизмлари қайд этилмаган. Шунингдек, республика ҳудудларида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича қарор қабул қилиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар рўйхати ҳам мавжуд эмас. Қонуннинг замон талаблари асосида қайта ишлаб чиқилган янги таҳририда ана шундай камчиликлар бартараф этилиб, соҳани аниқ вазифалар асосида ривожлантириш тизимларини яратишга эътибор қаратилди.

Янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси 2020 йил 19 май кунини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган эди. Лойиҳа муҳокама қилиниши жараёнида келиб тушган тақлифлар Давергеодезкадастр кўмитаси мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилиб, улар юзасидан тегишли хулосалар берилди. Бундан ташқари, қонуннинг янги таҳрири билан кенг жамоатчиликни таништириш мақсадида оммавий ахборот воситаларида лойиҳа муҳокамасига бағишланган бир қанча курсатувлар тайёрланди. Қуни кеча ана шундай курсатувларнинг бирида нудуфали олий таълим муассасалари етакчи профессор ва олимлари иштирокатида қонун муҳокамаси бўлиб ўтди.

Шунингдек, халқ фикрини билиш ва билдирилган тақлифларни кўриб чиқиш мақсадида қонун лойиҳаси интернет сайтлар, ижтимоий тармоқларга жойлаштирилди. Шу тариқа, ҳар томонлама ўрганилган ва муҳокама қилинган янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи йиғилиши кун тартибига киритилди ва сенаторлар томонидан бир овоздан маъқулланди.

— Янги таҳрирдаги қонуннинг амалдагисидан фарқи жиҳатлари, янги мақсад ва вазифалари нима-лардан иборат?

— Мазкур қонуннинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг яхлитлиги ва бўлимаслиги, қонунийликка асосланганлиги, маъмурий-ҳудудий бирликлардаги давлат бошқарувининг самардорлигини таъминлаш баробарида ҳудудий бирликларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдан иборат. Шунингдек, бу қонун мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликларини ташкил этиш, тугатиш, мақоми ва чегараларини ўзгариши соҳасидаги нормаларни белгиловчи яна ҳуқуқий ҳужжат ҳамдир.

Унга қатор қўшимча ва ўзгаришлар киритилган бўлиб, бир қанча асосий қонунлар билан бойитилганини эътироф этиш жоиз. 1996 йил 30 августда, яъни 24 йил аввал қабул қилинган амалдаги қонун 11 боб, 31 та моддадан иборат эди. Янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси эса 8 боб, 45 та моддадан иборат бўлиб, бунда амалдаги қонуннинг 15 та моддаси қўшимча ва ўзгаришлар билан тўлдирилиб, 30 та янги модда киритилди.

Қонуннинг янги таҳририга алоҳида 2-боб киритилиб, унинг 6–10-моддаларида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича қарор қабул қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Давергеодезкадастр кўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди.

Маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этишда босқичма-босқич қарор қабул қилиш ва тақлифларни кўриб чиқиш бўйича комиссиялар тuzиш, уларни кўриб чиқиш мuddатларини белгилаш тартибининг жорий этилиши каби жараёнларни аниқ кўрсатиб ўтиш мақсадида лойиҳага 24 та (11-14; 17-37-моддалар), шундан 10 та янги (11-14, 18, 22, 24, 25, 30, 31) модда қўшилиб, амалдаги 14 та модда янги таҳрирда баён этилмоқда.

Шунингдек, қонуннинг янги таҳририга қўрилган маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларининг муҳим жараёнларини ўзида акс эттирадиган ва уларни босқичма-босқич ҳал этишдаги қарор қабул қилишнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Жойлардаги ваколатли органлар томонидан тузилган комиссиялар (3-боб, 11, 12, ва 13-модда) маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича ҳужжатларни белгиланган ўрганиш мuddатлари ва тартиби асосида аниқ ва тўлақонли тақлифлар тайёрлайди. Комиссиялар таркибидаги малакали мутахассислар тақлифларни ҳар томонлама шаффоф ўрганиб чиқиб, ўзларининг экспертиза хулосаларини берадилар, натижада сифатли ҳужжатлар тайёрланиб, жойлардаги низоли ҳолатларнинг олдини олишга эришилади.

Бундан ташқари, соҳада Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликларини ташкил этиш, тугатиш, мақоми ва чегараларини ўзгаришида ҳуқуқий нормаларни самарали амалга оширишнинг тизимли ёндашувини таъминлайдиган таъсирчан механизмлар жорий этилади. Қонуннинг 3-боб 14-моддасида эса маъмурий-ҳудудий бирликлар давлат реестрини юритишнинг аниқ механизмлари белгилаб берилди. Республикаимизда мавжуд ҳудудий

бирликларнинг давлат реестрини марказлашган ҳолда юритиш орқали электрон маълумотлар базасини шакллантириш, янгилаб бориш ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан электрон маълумотлар алмашишга эришилади.

Бир сўз билан айтганда, Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган қонуннинг янги таҳрири нафақат тизимда фаолият юритаётган соҳа мутахассислари, балки қонунда кўзда тутилган ҳолатлар билан боғлиқ масалаларга дуч келадиган аҳолига ҳам қулайлик яратиш, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий тузилишини белгилашда аввалги камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

— Бугун Тошкент шаҳридаги айрим ҳудудларни Тошкент вилоятига ўтказиш масаласида баъзи фуқароларнинг норозиликлари ҳам қулгоимизга чалинган. Шу ўринда кўпчилик учун янгилик бўлган анклав ҳудуд тушунчаси ва бундай ҳудудларни ўзгариштириш зарурати ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Анклав деб бир давлат ёки туманнинг ҳамма томондан бошқа давлат ёки туман ҳудуди билан ўраб олинган ҳудуди ёки ҳудуднинг бир қисмига айтади. Анклав лотинчадан таржима қилганда “бошқа давлат ҳудудидаги ер” маъносини англатади. Масалан, Фарғона вилоятига қарашли Сўх, Чўнғара, Шоҳимардон, Калача ва Жангаил ҳудудлари Қўрғизистон Республикаси учун анклав ҳудудлар ҳисобланади.


Президентимиз шу йилнинг 5 август кунини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ўзаро чегарадош туманлари ҳудудларини ўзгариштириш бўйича тайёрланган лойиҳани тақдимоти билан танишиш чоғида ҳозир кўплаб аҳоли учун энг долзарб муаммолардан бири бўлган анклав ҳудудлар масаласига ҳам тўхталиб ўтди. Айни вақтда республикаимиз бўйича 350 минг гектар майдон анклав ҳудудлар ҳисобланади. Уларнинг ноқулайлиги шундаки, фуқароларга ўзи рўйхатдан ўтган туман марказидан кўра қўшни туман марказига бориш яқинроқ. Бу эса уларга иш, мактаб, боғча ва бошқа масалаларда ҳар хил ноқулайликларни келтириб чиқаради. Масалан, Тошкент вилоятида 19 та анклав ҳудуд бор. Улардан бири бўлган Қўнград туманидан кейин Чирчиқ шаҳри бошланади, ундан кейин яна Қўнград тумани келади. Паркент туманига қарайдиган Қрасногорск шаҳри эса Ангрэн шаҳрига қарайдиган бўлиб қолган. Бўка туманида ҳам аслида Пискентга қарайдиган анклав ҳудуд бор. Чўнчи аҳолига Бўка туманига боришдан кўра Пискентга бориш яқинроқ. Бу борада фуқароларга қулайлик яратиш учун ана шу анклав ҳудудлардан воз кечиш талаб этилмоқда. Мазкур жиҳатларни инобатга олиб, шаҳардан Тошкент вилоятига 1010 гектар, вилоятдан пойтахтга 10196 гектар ер майдонини ўтказиш режалаштирилган. Бу юқоридаги янги таҳрирдаги қонунда ҳам алоҳида белгиланган.

Бугун Тошкент шаҳрининг ўзида ҳам ҳудудлар бўйича янгиликлар, ўзгаришлар қилиш кўзда тутилган. Хусусан, давлатимиз раҳбари жорий йил 29 май кунини Тошкент шаҳрида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш масаласига тўхталиб ўтган эди. Шунга мувофиқ, ишчи гуруҳ томонидан Сергели туманидаги 1752 гектар, Бектемирдан 267 гектар, Зангиотадан қарийб 328, Куйичирчиқдан салкам 129, Янгийўлдан 263, Ўртачирчиқдан 1346 гектар ажратиш, Янгиҳаёт туманини жами 4085 гектарда ташкил этиш бўйича тақлиф ишлаб чиқилди. Янги туманини ташкил этиш муносабати билан Тошкент шаҳри туманлари чегарасининг ўзгариши бўйича тақдимотлар қилинди.

Бу каби ўзгариш, янгилашлар аслида фуқароларга қулайлик яратиш, уларнинг ҳудудлари билан боғлиқ ноқулайликларга чек қўйишдан иборат. Бу лойиҳалар, фикрлар ўз-ўзидан пайдо бўлмаган ва уларни ишлаб чиқиш учун мутахассислардан иборат жуда катта гуруҳ жалб қилинган.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Ирода ТОШМАТОВА сўзлашди.

СЎХДА ЯНГИЛАНИШ ВА ЯРАТИШ ШИЖОАТИ ЖЎШ УРМОҚДА



Турли иқтисодий-ижтимоий муаммолар, анклав ҳудудда жойлашганлиги, йўл масаласидаги борди-келди азоблари сўхликларни анчайин қийнаб қўйгани бор гап. Шу сабабли кўпгина мутахассислар, жумладан, врачлар, ўқитувчилар, тадбиркорлар ва бошқа соҳа вақиллари вилоят марказига, бошқа туманларга кетиб қолар эди. Табиийки, бу муаммолар аҳоли ҳаёт тарзига ўз таъсирини ўтказмай қолмасди.

Содиқжон ТОҲИРОВ, “Садои Сўх” газетаси бош муҳаррири

Президентимизнинг 2020 йил 8 августда қабул қилинган “2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори туман аҳолисини қийнаб келаятган бундай долзарб муаммоларни бартараф этиш, сўхликларнинг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлди.

Ушбу қарорга мувофиқ, туманнинг мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланиш, муҳандислик-коммуникацияларини модернизациялаш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш, саноат салоҳиятини янада ошириш, қишлоқ хўжалиги, сервис ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, мазкур қарор мазмун-моҳияти билан аҳолимиз ҳаётда жуда катта тарихий аҳамиятга эга. Унда таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт соҳаси ва педагог ходимларнинг

меҳнатини янада рағбатлантириш, туманда олий маълумотли мутахассисларга бўлган эътиборни қондириш, таълим ва тиббиёт хизматлари сифатини ошириш масалалари ҳам қамраб олинган.

Хусусан, тумандаги тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган шифокорларнинг лавозим маошларига соҳадаги иш стажининг биринчи уч йили учун тариф ставкасига нисбатан 40 фоиз ва ҳар бир кейинги икки йил учун тариф ставкасига нисбатан 15 фоиз миқдорда, устаманинг энг кўп миқдори 100 фоиз ўрнатилди.

Ана энди айтиш, бундай имтиёз ва имкониятлар қачон бўлган эди?! Сўхнинг келажиги белгиланган самарали фойдаланиш, кенг қамровли қарор қабул қилинган эди?! Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиб, юртимизнинг эртанги барқарор тараққиётини кўзлаб амалга оширилаётган эзгу ислохотлар самарасидир.

Табиийки, бу йўналишда белгиланган вазифалар ўз вақтида амалга оширилиши қисқа мuddатларда туманимизда ҳаёт тубдан ўзгариши, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалишига замин бўлади. Бундай хайрли ишлар эса халқимизнинг бугунги кундан рози бўлиб, келажакка юксак ишонч билан интилишига, жамиятда янгилашни ва яратиш ишқи жўш уришига хизмат қилади.

ИҚТИДОРЛИ ҲАМ ҚИЗЛАР КЎП

Амиржон ТЕМУРОВ, Сўх тумани халқ таълими бўлими мудири

Бугун бир ҳақиқатни барчамиз тан олишимиз даркор: Сўх узоқ йиллар мамлакатимизнинг чекка ҳудудларидан бири сифатида ўз муаммоларига ўзи ўралашиб қолган туман эди. Гарчи юртимизда барча соҳаларда изчил ислохотлар олиб боришдан бўлса-да, бу томонларга янгилашни нафаси уфурши қийин келди. Хусусан, таълим соҳасини оладиган бўлсак, ўқув муассасаларининг таъмиртаълаблани, зарур жиҳозлар билан таъминланмагани, олий маълумотли педагогларнинг етishмаслиги энг оғирли нуктамиз эди. Мана шундай мураккаб паллада давлатимиз раҳбарининг “2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши ҳудуддаги кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммолар қатори таълим тизимида ҳам эчинини кутаётган қатор долзарб масалаларни ҳал этишга хизмат қилади.

Қарорда таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, педагог ходимларнинг меҳнатини янада рағбатлантириш, туманда олий маълумотли мутахассисларга бўлган эътиборни қондириш, таълим хизматлари сифатини ошириш зарурлиги алоҳида эътибор қаратилган. Бу, шубҳасиз, бизни севинтирди. Чўнчи Сўхда ҳам билимга чанқок, иқтидорли ўғил-қизлар кўп. Улар ҳам илим қўққиларини забт этиб, дунёга чиқишни истаيدди. Бу авлоднинг мақсадини рўйга қириши учун эса замонавий мактаблар, керакли ўқув-лаборатория жиҳозлари ва ахборот-коммуникация технологиялари, энг муҳими, малакали, олий маълумотли муаллимлар керак.

Айни пайтда бу борада салмоқли ишлар бошланганини ва жараён шиддат билан давом этаётганини таъкидлаш жоиз. Жумладан,



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин АЪЗАМнинг 70 йиллигига

Кулман ОЧИЛ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

АДИБНИНГ ЖАСОРАТИ



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзамдек романлари, қиссалари ва ҳикоялари кўплаб тилларга таржима қилинган, асарларининг халқаро тақдиротлари...

Инсон ҳақида. Жанри, мавзуси, ҳажми ва чоп этилган вақтидан қатъи назар, барчасини буюк бир туйғу — Ватанга муҳаббат...

Хозир — кимнинг кимлиги синондан, имони чиғирикдан ўтаётган пайт. Лекин биз ким бўлишимиздан қатъи назар, "шу юртсиз, шу элсиз ҳеч ким, ҳеч нарса эмаслигимиз ҳақиқат".

Аслида мен эътиборингизни қаратмоқчи бўлган гап "Қаҳратонда гул кўтариб"нинг айнан "Гулистон"да, айнан шу кунларда илк бор мухлислар ҳукмига ҳавола этилгани ҳақида.

Ҳайратланарлиси шундаки, ҳикоя бундан қарийб 45 йил бурун ёзилган: "Радиога ишлаб юрган кезларим (1976 йил бошида) ёзганим, ёзиб қолган унутилмас дўстим, шоир Муҳаммад Раҳмонга ўқиб бериб, маслаҳат сўраганларим ёдима. Энди ўйласам, худди ўша кунлар "Гулистон" журналига хизматга ўтган эканман..."

Оқсоқол адибимизнинг йигирма беш ёшда ёзган асарини бир зарб билан ўқиб чиқасиз. Кейин яна, бу гап шошилмасдан, ўқингиз келади ва айтасиз: "Ажабо, гўё кунчи ёзилгандек!"

Ўйлаб кўрсак, қизиқ бир манзара намоеён бўлади: ўтган йиллар мобайнида дунёи дунда неча салтанатлар, тузумлар, гоғялар, мафқуралар, қонун-қоидалар, тутумлар, талаблар ўзгарибди. Қанча сувлар оқиб ўтибди. Қанчадан-қанча жозибатор гоғялар, жилд-жилд китоблар, миллионларни бирлаштирган байроқлару шорлар ўтмишга айланбдики, кўпларини бугун биров эслаши ҳам маҳол...

Лекин донишманд ёзувчининг ярим аср бурун битган ва "кўнгли тўймай бисотиға ташлаб қўйган" асари ҳамон ёқутдек кўзни қамаштириб, кишини энтиктириб турибди. Чамаси, унинг матбуот юзини кўриш орузида сарғайиб ётган бундай ҳикоялари бир талай.

Тасаввур қилдим. Яна эллик, боринг ана, юз йилдан кейин менга ўхшаган бирор сиңчков китобхон "Қаҳратонда гул кўтариб"ни кўлига олса, нима қилар экан?

Ишонманки, маъза қилиб ўқийди.

Севинади! Эркин Аъзамга хос "сўзга зикналик" билан битилган қисқа-унда, баъзан латиф юмор, баъзан беозор киноя, баъзан жиндак "қаламбир сепилган" сатрлар, тасвирнинг тинқлиги ҳар қандай китобхонни ром қилиб кўяди.

Дарвоқе, 1990 йили бир журналист Эркин Аъзамга шунга яқин савол берган экан: "Фараз қилайликки, ўзга сайёрага парвоз этдингиз. Манзилда сизга ажойиб зотлар пешвоз чиқиб, "Эй азиз меҳмон, кўнглингиз тусганини сўраган, дарҳол бажо этамиз", дейишса, улардан нимани тилардингиз?" Адибнинг жавобини қаранг: "Шундай оламшумул мўъжиза, бахт менга насиб этса-ю, ўзимнинг майда-чуйда истаklarимни айтсам уят бўларди, албатта. Маса, ун йилдан буён бир бедаво дард мени қийнади — қулғим тинимсиз шангиллаб туради, шунга тузатиб беринг, ўзга сайёралик дўстим, деб илтимос қилишим қулғили эмасми! Чунки Ер шарида менга ўхшаган тўрт миллиард одам борки, ҳаммаси ҳам ўзига яраша бирор дардни орқалаб юради. Ёки менга битта "Мерседес" соғва қилсанглар-чи, десам ниҳоятда уятли иш бўларди. Нега бу қадар пастананлар, эй ерликлар, деб ўлдириб қўйишлари тайин". Шунинг учун танти адиб уларнинг олдида тиз чўкиб таваллолар қилмоқчи лозим топади: "Қўлингиздан келса, биз, ахли заминни энди озгина қилмиш қилинг, бир-биримизга озгина кечиримни қилинг, озгина меҳр-оқибатли қилинг! Қолгани ўзимизнинг қўлимизда".

Инсонни муҳтарам ва муҳташам кўрмоқ орзуси, диёнат, фидойилик, меҳр-оқибат — ўзини камтарлик билан "нурга интилувчи қаламкаш деб биладиган" адиб ижодининг аввал-бошдан танлаган концепция, асарларининг доимий ва бош мавзуси. Бу ёзувчи адабиёт деб аталмиш буюк бўстоннинг остонасида турган йилларда яратган, тақдир тақозоси билан бугун, орадан салкам эллик йил ўтган, мухлислари ҳукмига ҳавола этилган ҳикоясидаёқ намоеён бўлганини сезиш қийин эмас.

Шунинг учун мен айнан "Қаҳратонда гул кўтариб" ҳақида сўз юритмоққа журъат этдим. Зеро, мазкур асарнинг бош гоғяси ҳам Тангри томонидан бандаларига ато этилган меҳр-муҳаббат, оқибат, имон-эътиқодда собитлик, зғу мақсад йўлида курашиб яшамоқ, дунёни тўқис ва муқаммал кўрмоқ орзуси.

Шунинг учун қирчиллама қишда гул кўтариб Тошкентдан узоқ Бойсундаги тоғ қишлоғи сари йўлга чиққан талаба йигитини эйтириблар, кечинмалар, турфа ёшу турфа феъл-атворли одамларнинг унга муносабати, бир сўз билан айтганда, инсон манзаралари йиллар ўтса-да ўзгармаган, деймиз. Шунинг учун ҳам ҳақиқий адабиётни



Саналганларга Эркин Аъзамнинг йирик халқаро кинофестивалларда юксак эътирофларга сазовор бўлган "Дилхирож", "Эркак", "Паризод", "Сув ёқалаб" каби бадиий фильмларга ёзган сценарийларини, манамен деган театрларда сахналаштирилган "Жаннат ўзи қайдадир", "Танҳо қайик", "Фаррош кампирнинг туши" каби пьесаларини қўшинг!



боқийликка дахлдор, инсон, инсоннинг тақдир, руҳий олами ҳақидаги санъат-дир, деймиз.

Асарларининг қаҳрамонлари Эркин Аъзамнинг ўзи каби дадил, шижоатли ва некин одамлар, қийинчиликлар олдида тушқунликка тушиб, кўллари шалвираб қолмайди.

Йўл бўйи кўлида гул, поездада "дунё қўшиққа айлибди кетиши"дан сармаст келган йигит "Ажрим" аталмиш дардирасар бекатда мушкул вазиятга тушиб қолади. Тоғнинг нариги томонидаги қишлоғига тезроқ етай деса, доводини тизза бўйи қор босган. "Ундан юради-ган шопирнинг юраги бир газ бўлиши керак... Икки кундан бери машина қатнамайди". Ердам кутган одамлари, хатто доим жонига ора қирадиган "гараж мудири, кўлида ўттиз-қирк машина бор" амакиси ҳам сим қоққанида совуқ муомала қилади. "Бу ер совуқ экан, амаки, қотиб қоламан". "Қотиб ҳам кўриш керак, жиян, ана шунда биласиз амакининг қадрини!.. Бизда шахсий мақсадларда фойдаланадиган унгу йўк! Нега акасининг тўйига аъза-баъза гул кўтариб келаятган жиянига амаки бундай кўрс муомала қилди? Воқеанинг жон жойи шунда.

Ҳажир талаба қор сўқмоғи бўйлаб тийғана-тийғана, хатарли довон ортидаги ўн беш қақиримлик манзилга пой-пиёда йўл тортади. Шунда ҳозиргина "турган-битгани пасткаш, бемуруват кимсалар" бўлиб кўринган одамлардан бири унга отини ва кийиб ўтирган қалин пўстинини ечиб беради.

Ана, шижоатнинг мукофоти! Ана, рутубатли кунда таралган шуъла! Ана, ўзини "нурга интилувчи қаламкаш деб биладиган" адибнинг, умуман, адабиётнинг бош мақсади — инсондаги меҳр-оқибатни улуғлаш! Тангри бандаларини бир-бирига меҳри, оқибатли бўлиши, ердан бериши учун яратган. Ҳикояни ўқиб, диллингиз ёришиб, одамга ва оламга меҳрингиз товланиб кетади.

Мени ижоди ҳақида сон-саноксиз мақолалар, илмий ишлар ёзилган ва ёзилаётган адибимизнинг кўп йиллик мухлиси сифатида яна хайратга солгани: "Эркин Аъзам шундай гўзал ҳикояни қарийб ярим аср бисотида қандай "босиб ётди" экан?"

Яшириб нима қилдик, бу дунёда бир нарсани шоша-пиша қоралаб, сиёҳи қуримасидан тахририятлари нашрётларга олиб қоладиган ижодкорлар қамми?"

Эркин Аъзамнинг яна бир ишлати — "ҳамма чолган томонга чопгиси келмаслигида". Адибнинг назарида, "адабиётга хиёнат дегани — кам ёзиш эмас, бўлар-бўлмас нарсани ёзиш, ёмон ёзиш, дегани". Шунинг учун унинг талаби қатъий: "қаламкаш келган гапни ёзиб чиқавермайман", дейди.

Тахмин қиламанки, тоши энгилроқ қаламкаш янги "Гулистон"нинг август сонидида илк бор юз кўрган "Қаҳратонда гул кўтариб" каби мафтунок ҳикоя ёза олса, шу пайтагача уни китобларида бот-бот чоп этиб, қўлидан келса, не бир бадиий фильмлар ёхуд урфа қирган телесериалларга асос қилиб юборган бўларди.

Адибнинг яқинда нашрдан чиққан китоби "Ёзувчининг боғи" деб аталишида рамзий маъно бор. Ундан шу богда етилган йигирмага яқин насрий китобнинг бўйи, таровати уфуриб туради. Тўпладан жой олган қисса ва ҳикоялар адибнинг бошқа асарлари сингари жаҳон адабиётининг ҳар қандай намунаси билан бемалол бўйлаша олади.

Замон билан ҳамнафас ижод қилиб, кўпларга ўрناк ва намуна кўрсатиб келаятган фидойи адиб Эркин Аъзамга Парвардигор юксак тафаккур, донишмандлик, заҳматқашлик, Ватанига, халқига улкан меҳр ато этгани, буларнинг барчаси унинг асарларида ва самарали фаолиятида, ўзига, ижодига, ҳаётга ўта талабчан муносабатида ёрқин бўй кўрсатиб туради. Бундай фидокорона фаолият, ижодий жасорат, улғу шахсият — ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган улкан бахт.

Туризм



"БОҒИБАЛАНД" — НАМУНАВИЙ ТИПДАГИ ТУРИЗМ МАҲАЛЛАСИ

Ҳақим ЖўРАЕВ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида Самарқанд шаҳридаги "Боғибаланд" маҳалласи намунавий типдаги туризм маҳалласи сифатида қайта қурилмоқда. Лойиҳа доирасида ҳудудда зиёрат, тиббиёт, саноат, агроэкотуризм ва уларга ёндош бўлган бир неча йўналишлар йўлга қўйилади. Айни пайтда мазкур туризм йўналишларини ишга тушириш билан боғлиқ қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Жумладан, маҳаллада жойлашган Анжирзор кўчаси туристик кўчага айлантирилади. Бунда кўча атрофидаги хонадонларнинг имкониятларидан ҳам унумли фойдаланиш кўзда тутилган. Самарқанд шаҳрига келган ҳар бир хорижлик сайёҳ учун миллий аъёнларимиз, урф-одатларимиз, аҳолининг яшаш тарзи, миллий таомларимизнинг яратиланиши, ҳунармандчилик маҳсулотларининг тайёрлиши жуда қизиқ. Шунини инобатга олган ҳолда, маҳалланинг мазкур кўчасида ана шундай қу-

лайликлар яратилади.

— Самарқандга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳлар билан суҳбатда бўлганимизда уларнинг деярли аксарият қисми Ўзбекистондаги маҳалла институти фаолияти билан қизиқишини таъкидлашади, — дейди Самарқанд вилояти туризмини ривожлантириш департаменти директори ўринбосари Жасур Раҳмонов. — Шу боис, Боғибаланд маҳалласи маркази ҳам намунавий типда миллий аъёнларимизга хос тарзда қайта қурилади. Шунингдек, маҳалла биносини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлашда ана шу тамойилларга катта аҳамият қаратилади. Қисқа қилиб айтганда, у ҳам туристик объектка айланади.

Бугунги кунда маҳалланинг янгидан таъмирланган Анжирзор кўчаси бўйлаб юрар экансиз, атрофда қизгин давом этаётган бунёдкорлик ишларига кўзингиз тушади. Мазкур кўчада истиқоқ қилаётган тадбиркорлардан бири Зоҳир Бобоҷонов маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар учун меҳмон уйлари фаолиятини йўлга қўйиш билан бирга, ўз ҳудудда агроэкотуризмни ҳам ташкил этишни режалаштирган.

— Ҳовлимизда 30-35 кишига мўлжалланган иккита меҳмон уйини қурдик, — дейди З.Бобоҷонов. — Бугунги кунда ушбу иншоотларда таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Келгусида бу ерда меҳмонлар учун ўзига хос қўлайликлар яратилади.



Ҳовлида бир неча турдаги сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришмоқчимиз. Хозир 300 туздан ортқ мевали дарахтдан иборат боғимиз ҳам бор. Мақсадимиз — ташриф буюрган ҳар бир хорижлик сайёҳ ўзбек оиласидаги ҳақиқий муҳитни ўзи кўзи билан кўрсин. Меҳмонларнинг янада кўнглидагидек дам олишлари учун театрлаштирилган томошалар ташкил этиш ҳам режамизда бор.

Маҳалладаги 40 гектар ҳудудни қамраб олган анжирзорлар ҳар йили сайёҳлар билан гавжум бўлади. Бир неча аср олдин соҳибқирон Амир Темураасос солган богда бугунги кунда фермерлар томонидан анжирлар етиштирилмоқда. Фермер

ҳўжалиқларининг анжирларни парвартириш, ҳосилни йиғиштириб олиш жараёни, албатта, кўпчилик сайёҳлар учун қизиқ. Шу боис, бог ҳудудида сайёҳлар учун дам олиш бурчақлари ташкил қилинмоқда.

— Ушбу анжирзорда узоқ йиллар отам меҳнат қилган, — дейди богдаги ўзига қарашли 8 гектар ҳудудда анжир етиштираётган фермер Рустам Муинов. — Анжирзорни парвартириш қилаётган учинчи авлодман. Биласизми, бугунги кунда богдаги энг ёши улғу анжир дарахти 200 ёшда. Ҳар йили анжир дарахтларимиздан 150 тоннагача ҳосил йиғиштириб оламиз. Жорий йилда эса 165 тонна анжир олишни режалаштирганимиз. Маҳсулот, асосан, маҳаллий бозорга етказиб берилади.

Шу кунларда маҳалладаги мавжуд савдо мажмуалари, овқатланиш шохобчалари, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, санитар-гигиенлик шохобчалар талаб даражасига келтирилмоқда. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, яқин вақт оралиғида боғнинг кириш қисмида ўзбек, рус ва инглиз тилларида Амир Темураасоснинг хусусиятлари, майдони, яратилиш тарихи билан боғлиқ интерфасо хариталар жойлаштирилади. Буларнинг натижасида қўшимча иш ўринлари яратилиб, ҳудудда яшовчиларнинг бандлиги таъминланади.